

А. ЖУБОНМАРДИЕВ

Нодир

САҲИФАЛАР

„ФАН“

А. ЖУВОНМАРДИЕВ

НОДИР
САҲИФАЛАР

ЎЗБЕКИСТОН ССР «ФАН» НАШРИЕТИ

ТОШКЕНТ — 1977

Жувонмардиев А. Нодир саҳифалар, Тошкент, Ўзбекистон ССР «Фан» нашриёти, 1977 йил, 80 бет.

Мазкур рисолада фан ва маданият тарихининг айрим лавҳалари, Ўзбекистоннинг кўҳна шаҳарлари — Андижон, Ахсиқет, Қўқон ва Наманган шаҳарларининг тарихига оид воқеалар ҳақида қизиқарли маълумотлар келтирилади.

Рисола кенг китобхонлар оммасига мулжалланган.

Масъул муҳаррир
тарих фанлари доктори
Б. А. АҲМЕДОВ

Ж $\frac{70202-685}{355(06)-77}$ 000-77

© Ўзбекистон ССР «Фан» нашриёти, 1977 й.

МУҲАРРИРДАН

Азиз китобхон! Қўлингиздаги ушбу китобча муаллифи шарқ тиллари ва қўлёзма асарларни яхши билган, фан тарихи, классик адабиётни пухта мутолаа қилган кекса, хассос шарқшунос олимлардан биридир. Унинг «XVI—XIX асрларда Фарғонада ер-сув муносабатларига доир», «Ҳарфлар рақамларга айланганда», «Ҳарф ва рақам» каби китоблари (Тошкент, «Фан» нашриёти, 1965, 1966, 1971 йиллар), «Ўзбекистонда ижтимоий фанлар», «Ўзбек тили ва адабиёти», «Фан ва турмуш», «Шарқ юлдузи», «Ғулистон» журналлари, шунингдек, турли илмий тўпламлар саҳифаларида эълон қилинган мақолалари ўзининг чуқур мулоҳазалари, фактик материалга бойлиги билан илмий жамоатчилик ҳамда кенг китобхонлар оммасига манзур бўлди. Бундан ташқари, Абдуллажон Жувонмардиев кўп йиллар давомида биз билан ҳамкорликда меҳнат қилиб, Урта Осиёнинг XVI асрдаги ижтимоий-сиёсий ҳаётини ўзида акс эттирган Ҳофиз Таниш Бухорийнинг йирик асари «Абдулланомани, Абу Тоҳирхўжанинг Самарқанднинг кўҳна тарихи ва маданиятидан баҳс этувчи «Самария» асарини нашрга тайёрлашда ҳам фаол иштирок этди. Кейинги йилларда у Урта Осиёнинг ижтимоий ҳаётидан қимматли маълумот берувчи Ибодуллохўжа ибн Орифхўжа Бухорийнинг «Рисолайи Ҳаббия» асарини форсча-арабчадан ўзбек тилига таржима қилиб нашрга тайёрлади.

Олимнинг мазкур китобчасига киритилган ва фан тарихи, классик адабиёт ҳамда ахлоқу одоб мавзуларига бағишланган мақолаларининг бир қисми ўз вақтида юқорида тилга олинган журналларнинг саҳифаларида босилган эди. Лекин улар, биринчидан, камёб бўлиб қолди, иккинчидан эса уларни қайтадан қараб чиқиш ва

айрим ўзгартиришлар киритиш эҳтиёжи туғилди. Муаллиф шуни ҳисобга олиб, бу мақолаларни қайтадан ишлаб зарур аниқликлар киритди. Айрим мақолалар эса янгидан ёзилган бўлиб, китобчанинг мавзу ва мазмунини бирмунча бойитади, кенгайтиради.

Китобчага киритилган мақолалар ўз мазмуни эътибори билан уч муҳим мавзу: фан ва маданият тарихи, ўзбек классик адабиёти ҳамда ахлоқу одоб мавзуларини ўз ичига олган.

Фан ва маданият тарихига оид мақолаларда машҳур олим ва табиб Абу Али ибн Сино (908—1037)нинг устози, ўз замонасининг етук тиб олими Абу Мансур Ҳасан ибн Нуҳнинг ҳаёти ва ёзиб қолдирган қимматли асарлари, жаҳонда исломиятдан аввал ва кейин мавжуд бўлган йирик кутубхоналар ва уларнинг қисмати, Фарғона водийсининг кўҳна шаҳарларидан Андижон, Ахсикет, Қўқон ва Наманган шаҳарларининг асосланиши, шунингдек, таърих (хронограмма) илми ва шарқ муҳрларининг келиб чиқиши ва уларнинг фан учун аҳамияти каби масалалар хусусида баҳс юритилди.

Классик адабиёт тарихига оид мақолалар ҳам ўз эътибори билан диққатга сазовордир. Уларда шарқ классик адабиёти, хусусан, ўзбек классик поэзиясининг муҳим жанрларидан бўлган хазил-мутоиба, латифа ва ҳажв ҳақида гап боради. Булар ичида қўқонлик олим, шоир ва хаттот мулла Сулаймонқул уста Суяроқул ўғли Рожий (XIX аср)нинг зарбулмасал ва рубойлари, марғилонлик шоир Соқий (XIX аср)нинг Алишер Навоийга атаб битган қасидаси ва ғазаллари алоҳида ўрин тутди.

Ахлоқу одоб мавзунга бағишланган «Ишқ ва Ҳусн», «Дил ва Ҳусн ишқи», «Бемор ва табиб» ва «Насиҳатнома» деб номланган мақолалар муаллифнинг ўрта асрларда ўтган донолар бисоти устида олиб борган ишларининг айрим натижаси бўлиб, ўша олимларнинг қўлёзма асарларидан сайлаб олиб ўзбек тилига қилган таржималаридан намунадир. Бу мақолаларда ақлу заковатдан ўзга сармояси бўлмаган шоир билан бадавлат хонадондан чиққан бир сарвқоматнинг соф муҳаббати («Бемор ва табиб» мақоласида), пок муҳаббат ва вафодорликнинг куч-қудрати («Ишқ ва Ҳусн» ҳамда «Дил ва Ҳусн ишқи» мақолаларида) чин инсонга хос фазилатлар («Насиҳатнома» мақоласида) тараннум этилади.

Умуман домла Абдуллажон Жувонмардиевининг мазкур китобчаси фан тарихи ва ўзбек классик адабиёти билан қизиқувчилар учун айрим муҳим фактик материал беради ва халқимизни, хусусан ёш авлодни аجدодларнинг яхши анъаналари руҳида тарбиялаш, «...коммунизмнинг муносиб қурувчиси бўлган янги кишини шакллантириш...»¹ ишига ёрдам бериши мумкин.

Б. А. Аҳмедов.

¹ Л. И. Брежнев, КПСС Марказий Комитетининг ҳисоботи ҳамда ички ва ташқи сиёсат соҳасида партиянинг навбатдаги вазифалари, «КПСС XXV съездининг материаллари», Тошкент, «Ўзбекистон» нашриёти, 1976, 97-бет.

ШАҲАРЛАРНИНГ НОМЛАРИДАН БАҲС

Андижон. Андижон шаҳрининг қачон ва ким томонидан барпо этилгани ҳақида тарихий манбаларда қизиқ фикрлар учрайди. Академик В. В. Бартольд Андижон шаҳри Қайду (Ўгадайхоннинг набираси, 701/1301 йил вафот этган) ва Дувахон (тахм. 1291—1306) томонидан XIII асрда барпо қилинганини ёзган (№ 1737, 173 с.), Исохон тўра Тўрақўрғоний (1862—1937) эса Андижон туркий халқларнинг афсонавий ҳоқони Уғузхон даврида ҳам машҳур бўлганини таъкидлайди (Тарихи Фарғона, УзФАШИ қўлёзмаси, № 11080, в. 39 а). Ёқут Ҳамавий (XIII аср) «Муъжам ул-булдон» китобида Андижоннинг асл номи Андугон бўлиб, Абу Ҳафс Умар ибн Муҳаммад ибн Тоҳир ал-Андугоний деган кишининг 1087 йилги ўша шаҳарда туғилганлиги ва 1110 йилда Фарғонада яшаб, 1150 йили Қошон (Косон)да вафот қилганини ёзади («Муъжам ал-булдон», 1-том, 122-бет). X аср охирида ёзилган «Худуд ул-олам» асарида кўрсатиллишича, Андижон X асрда ҳам мавжуд бўлган.

Ана шу маълумотларга қараганда, Андижон XIII асрда эмас, балки ундан илгари, X асрда ҳам мавжуд экан. Шайх Сулаймон Андижоннинг қадимий номи «Адак» бўлганлигини айтади (Луғати Чигатоийи турки, 22-бет). Исохон тўра юқорида қайд қилинган асарида Андижонни «Озодагон» ва «Мардугон», яъни озодалар ва мардлар шаҳри деб атаган (в. 39а). Андижоннинг асли номи Андугон бўлиб, халқ лафзида Андижон дейилган. Андугон «Анду» ва «гон» сўзларидан ташкил топган. «Анду» деб, маҳаллий халқнинг бир тоифасига айтилади, «гон» эса (форсча) «жами», «мажмуи», «бирга йиғилишлик» деган маънодаги қўшимча бўлиб. «Андугон» маҳаллий халқларнинг жами, демакдир.

Наманган. 1582 йили Бухоро хони Абуллахон (1557—1598) Хуросоннинг айрим вилоятларини босиб олганда жуда кўп асирларни Фарғонага кўчириб келтиради. Уша вақтда Наманганнинг ҳозирги ўрнида Лангарбобо мазоридан бошқа ҳеч нима бўлмаган. Баъзи ривоятларда айтилишича, Абуллахон бу ерга 130 асирни оиласи билан кўчириб келтириб, Лангарбобо мазори атрофига жойлаштирган эмиш. Ана шунинг натижасида ташкил топган қишлоқни кейинча «Намаккон» деб атаганлар. Бу — ривоят, албатта. Аслида Наманган қишлоғи ундан олдин, Бобир замонда (XV аср охирида) ҳам мавжуд бўлган.

Бизнинг фикримизча, Наманган аслида «Номийгон» (форсча «азизлар», «номдорлар») бўлган. Чунки Эроннинг машҳур тарихчиси ва шоири Абулқосим Фирдавсий ўзининг машҳур «Шоҳнома» асарида Тошкентни «Қандирир», Самарқандни эса «Саминган» деб атаган. «Худуд ул-олам»да ҳам Самарқанд «Самингон» деб аталган. Бу «Фарҳанги шоҳнома» китобида ҳам тасдиқланади. Ҳозирда ҳам Фарғонадаги Куйбишев районидagi Сўх «Сафидгон» деб аталиб, у ерда «Мулгон» деган маҳаллалар бор. Мана шу асосларга кўра, биз Наманган аслида «Номийгон» бўлган деган хулосага келамиз. Лекин бу фикрни қатъий ва ҳал қилинган фикр дея олмаймиз. Шунинг учун ҳам уни тарихчи ва шарқшунос олимларнинг муҳокамаларига ҳавола қиламиз. ЎзССР Фанлар академияси Шарқшунослик институти қўлёзмалар фондида сақланаётган «Ёрлиқлар тўплами»да (инв. № 1644)ги бир қанча ҳужжатларда Наманган 1643 йилдан бошлаб бир мавзе, 1758 йилдан эса вилоят аталган Наманганга Қўқон хонлигининг ишончли ҳокими қўйлиб, унга қарашли тўрт қишлоққа — Тўрақўрғон, Чуст, Чортоқ ва Қосонга беклар тайинланган, дейилган.

Қўқон. «Тарихи Шоҳрухий» автори Муҳаммад Ниёз Ашур Муҳаммад ўғлининг ёзишича, Фарғонанинг ўша даврдаги ҳукмрони Абдулкаримбий Шоҳрух ўғли 1740 йили Қўқондаги эски ўрдани ўзининг қароргоҳига айлантириб, унинг атрофида шаҳар ва қалъа барпо этибди; қалъага эса тўрт дарвоза қуриб, дарвозанинг бирини «Исфара», иккинчисини «Ҳайдарбек», учинчисини «Тошкент», тўртинчисини эса «Қатағон» деб атабди ва салтанат тахтини эски қўрғондан янги қаср (эски ўрда)га кўчирибди.

Шаҳарнинг қачон асослангани ҳақида домулло Шер Ҳуқандий (Акмал)нинг (XIX аср) айтган қуйидаги таърихи бор:

Аз таъби он аҳли сухан шод буд,
Ки тарихи у «мазхаробод» буд.

Мазмуни:

Унинг кўрнинишидан сўз аҳллари
шод эди,
Негаки, унинг тарихи, «мазхаробод»
эди.

«Мазҳаробод» сўзи абжад ҳисоби билан ҳижрий 1153 (мелодий 1740) йил бўлади. В. П. Наливкин ҳам бу бино тарихи борасида Муҳаммад Ниёзнинг фикрини таъмомила тасдиқлайди. Қўқон шаҳрининг янги биноси қурилганга қадар «Эски қўрғон» деб аталган жой бўлиб, 1740 йилдан бошлаб, Қўқон шаҳри ўз номини ундан олганини таъкидлайди². Қўқон шаҳрининг бино бўлиши сабабини Бобир ва «Олтин бешик» воқеасига ҳам боғлайдилар. Исохон Тўранинг ёзишича, унинг Ҳуқанд деб аталишига сабаб шуки, Чодак хўжалари у ерга келганда, ўйдим-чуқур ерларни кўришиб, бу ер нима учун ўйдим-чуқур эканлигини сўраганлар; шунда аъёнлар «хуқанд», яъни «чўчқалар кавлаган» деб жавоб беришган³. «Ғаройиби сипоҳ» автори (номи номаълум) бўлса, бу шаҳар аҳлининг феълу атвори қанддек ширин, мусофирпарвар ва меҳмондўст бўлганлари сабабли «хавокин» (ёқимли) сўзидан олинган деб ёзади⁴. Аммо бошқа ишончли манбалардан бири «Худуд ул-олам»да эса «Хуоқанд», «Риштон», «Зандиромиш» муҳофаза қилинган бир гуруҳ шаҳарлар экани эслатиб ўтилади. «Қомус ул-аълум» автори ҳам «Хуоқанд» Мовароуннаҳрда Фарғона мамлакатининг бир шаҳри бўлиб, илгари бир қасаба (шаҳарча) эди, кейинги асрларда кенгайиб, бутун Фарғонанинг маркази ва мустақил бир хонликнинг қароргоҳига айланди, деб ёзади⁵.

² В. П. Наливкин. Краткая история Кокандского ханства, Казань, 1886, стр. 59.

³ Исохон Тўра, «Тарихи Фарғона», ЎзФА ШИ қўлёзмаси, инв. № 10177, в. 99.

⁴ «Ғаройиби сипоҳ», ЎзФАШИ қўлёзмаси, инв. № 5408, в. За—36.

⁵ «Қомус ул-аълум», Истанбул, «Мехрон», 1308, 3-том, 2066-бет.

و در پانته اجمیع آنجا بعد برضمانه ارباب مملکت و دولت
و اوزبان انجمن فطرت و عقل اخلاقی و محتوی پانته که این فقیر به
بصاعت سرشته باو نیز وقت و زمانه بیابان غربت و
افتاد و از طستان بیعت و کنگه کار برگاه او تعالی کثیر العوین
و قبیل خدمت با وجود فلت استطاعت ارزو و معنای آنده است
یکان سخته ابرایان به ارجحه یک نیز و خورده سناسان و فکته سخنان
و او افهمان پسند نیز و البس شاید که غنچه مطالعه سرور به دل
و رضیم سید اردو بنا و غلبه چند کلام از واقعات بده و در اسطنه خود
و پسند که سخته بود و در قلم آورده شده تا مستمعانر اشاید که فری
حاصل البی بینه و کرمه فصل در ایجاد و پیداد خود بدان
مستمع که خداوند جهان و خالق عالم جان از ازل این بین باره
در اسطنه خود در خود را معمور و آبا و خلق کرد و است جهان از اول
در اول تغییر و ایجاد این در اسطنه که تخمینا یکصد و پنجاه سال
بماند و در همان وقت و پانته مشرب به نیز حضرت ابان بانجا
عبدی که نزول فرموده درخت بهمار و در این زمین در اسطنه
نشانیه است و آنده همانا که است الدسیا آبا و خواجه سخته

1-расм. Исохон Тура Турақурғонийнинг «Тарихи Фарғона» асарининг бир саҳифаси.

Юқорида келтирилган фактларга қараганда, Қўқон шаҳри анча қадимий бўлиб, илгари «Хуоқанд» деб аталган, кейинча «Хуоқанд» сўзи осонлаштирилиб, «Хуқанд» деб юритилган.

Ахси. Баъзи тарихий манбаларда «Худуд ул-олам»⁶, «Акбарнома»⁷, «Ахсикет», шунингдек, қўлёзмалардаги, «Ёрлиқлар тўплами»⁸даги ҳужжатларнинг ҳаммасида «Ахсикат» ёзилган. Ахсикат «Ахси» номи билан ҳам машҳурдир. Маҳмуд ибн Валининг «Баҳр ул-асрор» китобида (XVII аср) Ахси — Фарғона шаҳарларининг онасидир деб айтилган. Яна Ахсикат Фарғонанинг бир қасабаси ҳисобланиб, феодал зодагонларнинг турар жойи бўлгани ва «Хашрат» (Сирдарёнинг қадимий номи) дарёсининг ўнг соҳилида жойлашгани; унинг атрофидаги тоғда қумуш ва олтин конлари кўп бўлганлиги ҳам айтилган⁹. «Акбарнома»да ёзилишича, Ахсикат Фарғона вилоятининг ҳафтгонасидан, яъни етти қасабасидан бири бўлиб, етти қасабанинг бештаси — Андижон, Ўш, Марғилон, Исфара ва Хужанд Сирдарёнинг жанубида, Ахси ва Косон эса дарёнинг шимолида жойлашган.

ИБН СИНОНИНГ УСТОДИ

Ҳар бир халқ ўз ватандошлари ва инсоният учун унутилмаб хизмат қилиб, келажак авлодларга бебаҳо мерос қолдириб кетган улўф зотларни миннатдорлик билан эслайди, улар билан фахрланади. Ана шундай инсонлардан бири халқимизнинг буюк фарзанди Абу Мансур Ҳасан ибн Нуҳ ал-Қамарийдир (Уни баъзан ал-Қумрий ҳам дейдилар).

Абу Мансур X асрнинг биринчи ярмида Сомонийлар (900—998) ҳукмронлиги даврида Бухорода туғилиб, шу ерда нашъу намо топди. Ҳаётга мустақил қадам қўйганидан бошлаб илм эгаллашга кучли иштиёқ кўрсатди. Ўша давр фозилу табиблари ҳузурида адабиёт илмини

⁶ «Худуд ул олам», Қўлёзма фотоси, Ленинград. 1930, инв. № 9(5) их 98, в. 24 а.

⁷ «Акбарнома», Ойини Акбари, инв. № 1721, в. 242.

⁸ «Ёрлиқлар тўплами», ЎзФАШИ қўлёзмалар фонди, инв. № 1644, 74, 79, 97 ва 115-рақамли ёрлиқлар.

⁹ «Баҳр ул-асрор», ЎзФАШИ қўлёзмаси, инв. 1372, в. 130 а.

ўрганиб, табобат санъатини такомиллаштирди. Тиб илми ва амали фанида камолотга эришди, замонасининг буюк фозилларидан бири сифатида шуҳрат қозонди. Табобат фани ва беморни даволашдаги маҳорати билан мамлакатда ҳурмат, иззат-икромга ноил бўлди. Замондошлари Абу Мансур аҳволи баёнида мана бундай деганлар: «Замонасининг улуғи ва даврининг яғонаси, тиб санъатида зеҳнининг нуқсонсизлиги билан машҳур ва тиббий амалиётларни яхши фойдаланиш фанида ва тибнинг усуллари ва тармоқларига доно ва ҳамма муолажаларига қодир эди. Шу боисдан ҳам Сомония подшоҳларининг ҳузурида ўз тенгқурларидан мумтоз ва зиёда эҳтиромга сазовор бўлди».

Донишманд табиб Сомонийларнинг олтинчи хукмдори Амир Мансур ибн Нуҳ ибн Наср ибн Аҳмад ибн Исмонил Сомоний (961—975) наздида яқин бўлиб, ҳамсуҳбат ва маҳрамлик мартабасига эришган эди. Ҳаддан зиёда билимдонлиги, камоли ишончли ва диёнатли бўлганлигидан аҳли ҳарамни даволаш иши унга ишониб топширилган эди. Бир куни шундай воқеа юз беради. Улуғ табиб саройда подшоҳ ҳузурида экан, амир дастурхон ёзиб, ноз-неъмат келтиришни буюради. Таомилга кўра келтирилган таомни шу ишга мутасадди канизак гуломнинг бошидан олиб дастурхонга қўяди-да, энгашганича қаддини ростлаёлмай қолади. Султон ҳақимга қараб муолажа қилишни буюради. Абу Мансур бу касални дори-дармон билан даволашдан умидсиз эди. У бир оз ўйланиб тургач, бу дарднинг дармони яғона чора — нафсония тадбирларини кўриш эканлигини англайди. Урндан қўзғалиб канизакнинг бошидаги хилва рўмонни тортиб олади. Кейин тезлик билан канизакка ёпишади. Кўпчиликнинг олдида бўлаётган бундай шармандаликни кўрган канизак ўзини ҳимоя қилиш мақсадида жон талвасасида урндан туриб кетади ва белини ростлайди. Бир нафас ичида содир бўлган бу ҳодиса ва муолажадан амир жуда таажжубланади ва ҳақимдан касалнинг сабаби, муолажа тадбирининг бонсини сурайдди. Шунда ҳақим: «Ўша онда канизакнинг орқа умуртқа поғонасида гализ ис қамалиб қолган. Уни ҳарорат кучи билан юмшатиш керак эди. Кўпчиликдан ҳижолат чеккан канизак чор-ночор табиий ҳароратини оширишга мажбур бўлди. Натижада саломатлиги тикланди»,— деб жавоб беради.

Абу Мансур Бухорийнинг Ибн Синодек буюк сиймонинг камол топиши борасида қилган хизмат ва тарбияси ҳам гоят таҳсинга сазовордир. Шамсуддин Абдулҳамид ибн Исонинг (уни Хусравшоҳий ҳам дейдилар) нақл этишича, Абу Али ибн Сино навқиронлик йилларида Абу Мансур Бухорий қўлида мадрасада таълим олган, у билан беморларни кўргани бориб, жарроҳлик амаллари ва муолажа тадбирларини ўрганган. Қамарийдан ёшлигида кўп фойдалар кўрган Ибн Сино кейинчалик ўзининг номини оламга машҳур қилди. Устозининг бундай зўр хизматларини Ибн Сино ўзининг «Шарҳи асотид» асарида ифтихор билан очиқ ва ошқори баён этиб ўтган.

Улуғ донишманд Абу Мансур Бухорий келажак наслларга тибга доир бир қанча муҳим асарлар қолдирди. Унинг асарларига хос хусусиятлардан бири шундаки, олим далил сифатида узидан аввал ўтган Шарқ ҳакимлари ва Жолинус (Гален), Буқрот (Гиппократ) каби машҳур юнон врачларининг фикрларини келтириб, уларни шарҳлашни яхши кўради. Абу Мансур замонасининг гениал олими Абу Бакр Закариё ар-Розий (вафоти 933 йил) билан ҳамсуҳбат, ҳамфикр бўлган. Шу сабабли ўрни келганда ар-Розий фикрларини ўз асарларида ҳурмат билан қайд этган. Чунончи, у «Ғино ва муно» асарида ар-Розий фикрларини шарҳлаган бўлса, «Ашшамсия ал-Мансурияти» асарининг «Маърифати маонин-набзи» деган сўнгги бобини ар-Розийнинг сўзлари билан хотималаган. Абу Мансур ал-Бухорий тасниф қилган китобларнинг энг муҳимлари қуйидагилардир: Олимнинг «Ғино ва муно» асари ўша замондаги касалликларнинг турлари, уларни даволаш йўллари ҳақида сўзлайди. Бу асарнинг бир нусхаси Ўзбекистон ССР Фанлар академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институтининг қўлёзмалар фондида 5708-рақами остида ва яна бир нусхаси Эроннинг Ризавия кутубхонасида сақланмоқда. Буюк ҳакимининг «Китоби илал ал-илал» («Касаллар, касалликлар китоби»), «Мажмуайн кабир дар адвияти муфрада» («Якка дориларнинг катта тўплами»), «Муолижоти Мансурий» («Мансурга мансуб муолажа йўллари»), «Рисола дар иложи амрози садр» («Юрак касалликларининг давоси ҳақида рисола»), «Мақола дар марази истисқо» («Сув йнғиллиш касали ҳақида мақола») каби асарлари ўрта

Осиё халқлари, шунингдек, жаҳон тиббиётининг тараққиётига улкан ҳисса бўлиб қўшилган.

Техронда нашр қилинган «Номайи донишварон» (1879) ҳамда Қоҳирада чоп этилган «Фехраст ал-маҳтут ил-мусавварати» деган китобларда хабар берилишича, Абу Мансур Бухорийнинг «Ат-танвиру фил мусталиҳот ат-тиббияти» («Тибга оид мавҳумларни равшанлаштириш»), «Рисолати фит тибб» («Тиб ҳақида рисола»), «Аш-шамсият ал Мансурияти» («Тиб илмига оид рисола»), «Мақола дар бухрон» («Қасалда бирдан юз берадиган катта ўзгариш»), «Рисола дар ҳуммиёти доира» («Қаттиқ иситмалар ҳақида рисола») асарлари Қоҳира кутубхоналаридан бирида сақланмоқда.

Қанчадан-қанча иложсиз касалликларнинг давосини топган Абу Мансур ўзига ёпишган бедаво дард натижасида ҳижрий 418 (мелодий 1027) йилда вафот этди. Буюк олим Бухорода дафн этилган.

Юқорида айтилган мулоҳазалар шуни тасдиқлайдики, Абу Мансур Бухорий бундан минг йиллар муқаддам медицина фанимизга асос солган ва шунинг билан бирга Ибн Синодек улуғ сиймонинг мураббийси, устоди бўлган буюк алломадир. Халқимиз ўзининг бу улуғ фарзандининг бой меросини чуқур илмий ўрганиш, тарғиб-ташвиқ этиш ва бу туганмас хазинани замонамизга хизмат қилдириш ҳаммамизнинг муқаддас бурчимиздир.

АҚЛ «КАЪБА»СИ

Одамзоднинг бахт ва келажак йўлида яратган мўъжизалари ичида энг мураккаб ва улуғ мўъжиза — китобга қизиқиш Шарқ мамлакатларида қадим замонларда ҳам кучли бўлган. Буюк олиму фозиллар бутун умри давомида китоб шайдоси бўлганлар, дурдоналар хазинаси — кутубхоналар ташкил қилишган. Чунончи, Шарқ халқлари VII аср охири VIII аср бошларида анчагина кутубхоналар бунёд этганлари маълум. Маълумотларга қараганда, араб халифаларидан аббосий ал-Маъмун (170—218) 813 йили пойтахтни Бағдодга кўчирганида юзта туяга қўлёзма китоб юклаб келган. Кўп ўтмай, юртдошимиз буюк олим Муҳаммад Хоразмий Маъмуннинг таклифи билан Бағдодга кўчиб келиб, бу ерда ташкил этилган «Байт ул-ҳикмат» («Ҳикмат уйи») номли китоб хазинасини бошқариб турган. Кутубхонада

ҳинд, юнон, сурия, араб, форс ва қибтий (қадимги замондаги лўлилар тили) тилларида ёзилган тўрт юз минг жилд китоб бўлиб, Хоразмий ўзининг илмий ишларида ўша китоблардан фойдаланган.

Ўша вақтларда Қоҳирадаги кутубхонада юз минг жилд китоб бор эди. Буларнинг ҳаммаси бир хил ёзув услубида битилган, бир хилда муқова қилинган бўлиб, шулардан 6500 таси медицина ва астрономияга оид асарлар бўлган.

Сурияда VIII—X асрларда «Муродия», «Умария», «Шайхи Холид», «Абдулла пошшо» ва «Ашмоestia» кутубхоналари бўлганлиги маълум. XVII—XVIII асрларда «Маликуззоҳир» кутубхонасида 2465 жилд китоб бўлган.

Истанбулда «Аё сўфия», «Асад афанди», «Усмонхон султон», «Амир хожа камонкаш», «Башир оға» ва бошқа шуларга ўхшаш жами 39 та кутубхона мавжуд бўлиб, булардаги китоблар 46959 жилд бўлган. Бу кутубхоналарни бир ерга туплаш ва китоблар каталогини тузиш учун XIX асрда вақфдан пул ажратилган.

Мисрнинг «Хедив» кутубхонасида 1908 йили араб тилида 31518 та, туркий тилларда 2409 ва форс тилида 650, Европа тилларида 29752 та китоб бўлиб, жами 64329 жилд китоб бўлган.

Техронда XIX асрнинг охирида «Кутубхонаи миллий», «Кутубхонаи донишқадайн адабиёт», «Донишқадайн ҳуқуқ», «Остони Қудсий Ризавий», «Баҳмон мирзо» ва бошқа кўпгина кутубхоналар бўлганлиги маълум.

Урта осиелик олим Ёқут Ҳамавий (вафоти 1228 йил) кутубхоналар ҳақида бундай деган: «Марв шаҳрида 10 дан зиёд кутубхона бўлиб, унда ноёб, қимматбаҳо китоблар тупланган эди. Булардан «Азизия» кутубхонасида 12000 китоб бор эди. «Хотуния» кутубхонасидан фойдалангани икки юзлаб китоб олар эдим. Мўғул босқинчилари Марвга келмаганда (1219 йили) эди, умрим охирига қадар Марвда қолиб китоблардан фойдаланар эдим» («Мўъжам ул-булдон», 1-жилд, 122-варақ).

Сомонийлар сулоласидан бўлмиш Нуҳ ибн Мансур (975—997) даврида Урта Осиеда (Бухорода) йирик кутубхона бўлиб, Ибн Сино ундан фойдаланган; бу кутубхонада кишиларга номаълум бўлган кўпгина муҳим асарлар борлигини айтган.

Амир Темур (1370—1405) замонида Самарқандда барпо этилган кутубхона ер юзидаги энг яхши кутубхоналардан бири саналган. Маълумки, Самарқандга Болқон ярим оролидаги мамлакатлар, Юнонистон, Миср, Хитой ва бошқа мамлакатларнинг олимлари келар, шу сабабли бу кутубхона кўп миллатларнинг энг яхши, қимматбаҳо асарлари билан тўлдирилганди. Бахтга қарши, бу китобларнинг қаердалиги ҳозиргача маълум эмас. Бироқ китобларнинг каталоги топилган. Унга қараганда, кутубхонада 15 мингдан ортиқ китоб бўлган.

Улуғбек отаси Шоҳрух мирзо вафотидан сўнг Ҳиротдаги хазина билан бирга китобларни ҳам Самарқандга келтириб, қимматли ва нодир асарлар тупланган бир кутубхона ташкил этган. Институтимиз фондидаги 2214 рақамли «Зиж» ўша китоблардан биридир. Бироқ бу хазинанинг қаердалиги ҳозиргача муаммо бўлиб келаяпти. Шунини ҳам эслатиб ўтиш керакки, 1962 йил октябрда Самарқанд область газетасида Улуғбек кутубхонаси ҳақида мақола босилганди. Мақолада: «Улуғбек вафотидан сўнг Али Қушчи Самарқанддан кўчиб кета туриб, ўзи билан бир қанча китобларни ҳам олиб кетган. У китобларни Ургутдан 18 километр нарида жойлашган Ҳазрати Башир қишлоғига яшириб кетган»,— деб ёзилган эди. Шундан кейин Ўзбекистон Фанлар академияси Тарих ва археология институти Ҳазрати Башир қишлоғида қазиларни олиб бориш учун тарих фанлари кандидати С. К. Кабанов бошчилигида археология экспедицияси юборди. Улар бирмунча вақт қазиларни олиб боришди. Аммо бирон натижа чиқмагани учун қидирув иши тўхтатилди. Тарихий манбаларда кўрсатилишича, Али Қушчи бир қанча китобларни ўзи билан олиб кетгани тўғри. Бироқ бу китобларнинг тақдири ҳам ҳалигача қоронғи.

Шайбонийхон тарафидан ҳам ўша вақтларда Ҳиротдаги олимлар, шоирлар ва ҳунармандлар билан бирга кўпгина илмий хазина Бухоро ва Самарқандга кўчириб келтирилган эди.

Буюк шоиримиз Алишер Навоийнинг ҳам бой кутубхонаси бўлгани аниқ. Навоий кутубхонадан баъзи асарларни улуғ зотларга ҳадя йўсинида юборарди.

XIX аср охири ва XX аср бошларида 20 га яқин йиллик олимларнинг Бухорода шахсий кутубхоналари бў-

либ, бу кутубхоналарда ўн мингдан ортиқ китоб тўпланганди.

Булардан ташқари, қадимдан Ҳиндистон билан Урта Осиё халқлари ўртасида бўлган сиёсий, иқтисодий ва маданий алоқалар воситаси билан Ҳиндистонда яратилган, кўчирилган ва чоп этилган китоблар Бухоро, Хива ва Қўқон хонликлари замонида Ўзбекистонга келиб қолган. Ана шундай китобларнинг бир қисми бугунги кунда Ўзбекистон ССР Фанлар академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институтининг қўлёзмалар фондида сақланмоқда. Институтимиз фондида 30 мингдан ортиқ қўлёзма ва қарийб шунча боёма китоб бор. Булардан ташқари, 250 тача фотонусха (чет эл кутубхоналаридаги ноёб қўлёзмалар фотонусхалари), уч мингдан зиёдроқ Урта Осиё, шу жумладан, Ўзбекистон тарихини ёрқин ифодаловчи ҳужжатлар (ёрлиқ, фармон, чек ва васиқа) ҳамда икки юзга яқин рамка қилинган алоҳида миниатюралар ва машҳур хаттотлар қўли билан ёзилган қитъалар ҳам бор. Институт фондидаги китобларнинг кўпчилиги араб, форс-тожик, ўзбек турк, татар, озарбайжон, қозоқ, туркман, уйғур, пушту, бошқирд, урду, қирғиз, қорақалпоқ, ўғуз, доғистон, олтой, мўғул ва қумуқ сингари жами 19 тилдадир. Қўлёзма асарларнинг 130 дан ортиғи IX—XVI асрларда яратилган, 2243 та асар мана шу давр ичида кўчирилган. Муаллифлар дастхати билан битилган асарлар 138 та, миниатюралар китоб 208 та, лавҳа ва нақшли китоблар эса 304 нусхадир. Муаллифлар дастхатига мансуб асарлар орасида Абдурахмон Жомийнинг «Шавоҳид ан-нубувват», Хусрав Деҳлавийнинг «Хамса», Ҳусайн Воиз ал-Кошифийнинг «Тафсири мавлоно Ҳусайн», Фирдавсийнинг «Шоҳнома», Шарафиддин Али Яздийнинг «Зафарномайн Темурий», Юсуф Хос Ҳожибнинг «Қутадғу билик», Улуғбекнинг «Зижи жадидайн курагоний» асарлари ва бошқалар бор. Шунинг алоҳида қайд этиш керакки, улуғ шоиримиз Алишер Навоийнинг 445 нусха асари бўлиб, шундан 10 таси («Хамса» ва девонлари) ўзи барҳаёт вақтида, махсус котибларидан Султонали Машҳадий, Абдулжамил котиб ва Дарвиш Муҳаммад Тоқийлар томонидан кўчирилиб, Навоийнинг муборак қўлида бўлган. Айниқса, фондимизда сақланаётган ва Навоийга унинг замондошлари юборган мактуб ва илтимоснома-

лар мажмуаси («Мажмуайи муросолот») дунёда ягона нусхадир.

Маълумки, китоб китобхон учун ёзилади, китобхон эса халқдир. Шунинг учун ҳам Партия ва ҳукуматимиз ёзма дурдоналарни бир ерга тўплаш, уларни эҳтиёткорлик билан сақлаш ва илмий-танқидий ўрганишга алоҳида эътибор бериб келмоқдалар. Ҳукумат қарорига асосан Тошкент, Бухоро, Самарқанд, Хива ва Қўқон каби шаҳарларнинг кутубхона ва музейларидаги араб графикасида ёзилган ва босилган китоблар ЎзССР ФА Шарқшунослик институти фондига топширилди. Масалан, академия кутубхонасидан 398 та, Хивадан 566 та, Бухородан 758 та китоб, шунингдек, 1936 йили Бухородан Тошкентдаги «Навой» кутубхонасига келтирилган 1200 та китобларнинг кўп қисми мазкур институт фондига ўтказилди. Бундан ташқари, дурдоналар хазинасини бойитишда айрим олимларимиз чунончи, академик Яҳё Фуломов ва В. Н. Терновский, марҳум академик Гафур Фулом ва бошқалар ўз ҳиссаларини қўшдилар.

Аҳоли қўлида сақланиб қолган нодир китоб ва ҳужжатларни Шарқшунослик институти фонди учун сотиб олишга давлат ҳар йили катта сармоя ажратмоқда. Институтимиз илмий ходимлари бу хазинани янада бойитиш борасида жонбозлик кўрсатмоқдалар. Ҳар хил қўлёзма ва босма китоблар ҳамда ҳужжатларни сотиб олиш борасида институт ҳузурида олимларимиздан иборат махсус комиссия ишлаб турибди. Илмий ходимлардан тузилган экспедиция ҳар йили неча бор республикамизнинг турли шаҳар ва районларига бориб, аҳоли қўлида сақланиб қолган қадимий ноёб китобларни сотиб олмоқда. Институт фақат 1961—1966 йиллар ичида жами 2200 дан зиёд китоб сотиб олди.

Тарихнинг шоҳидлик беришича, китобнинг дўстлари қанча кўп бўлса, душманлари ҳам ушанча кўп бўлган. Эски китоб душманларидан бири Бобил давлатининг подшоҳи Бухтиннаsr II (вафоти милоддан 562 йил илгари) бўлган. У ўзидан илгари ўтган подшоҳ ва қаҳрамонлар шуҳратига ҳасадланиб, ўз мамлакатадаги ҳамма китобларни куйдиртирган. «Тарих мендан бошлансин», дерди у. Хитой императори Ши Хун Та (209—246 йиллар) ҳам ўз мамлакатадаги бутун эски нодир китобларни ёндирган. Католик папалардан Буюк Григорий (540—604 йиллар) христиан динига оид китобларниги-

на қолдириш мақсадида бир қанча бошқа тиллардаги фалсафа ва дунёвий фанга доир китобларни йўқ қилиб юборган. Рим императори Юлий Цезарь (мелоддан 101 (44) йил илгари туғилган) дунёда энг машҳур китоб мажмуаси бўлган «Искандария» кутубхонасини куйдирган. Испания попларидан бири эса беш минг жилддан иборат музайян ва нодир Қуръон нусхаларини ёндирган. Англия ҳукмдорларидан Кромвель (1599—1658) Оксфорд кутубхонасига ўт қўйган.

Искандар вафотидан сўнг мамлакат унинг волилари ўртасида тақсим қилинди. Масалан, Миср юнонлик Сутирга берилди. Сутир эса илму фанни севувчи, олим ва файласуфларни яқин кўрувчи ва уларни ҳимоя қилувчи бир зот эди. Уша вақтларда Юнонистонда илм ва маориф ҳамда бошқа маданият асарлари оёқ ости бўлганлигидан мамлакатдаги олим ва файласуфлар турли мамлакатларга тарқалиб кетган эди. Сутир Юнонистон олимларини ўз саройига чақиртирди ва юнон ҳукамолари ёзган китобларни тўплади. У китобларни сақлаш учун Искандария шаҳри марказидаги баландлиги юз метрча бўлган тепалик устида «Сиролиум» аталмиш ибодатхона ёнига кутубхона бино эттирди. Бундан ташқари, ўзининг «Тумро» деган саройида иккита кутубхона барпо қилиб, бирига тўрт юз минг, иккинчисига уч юз минг китоб тўплаган эди. Афсуски, Миср қироличаси Клеопатра (эрамиздан аввалги 60—30 йиллар) замонида бўлган қўзғолон натижасида ёнғин чиқиб, ҳамма китоблар куйиб кетган.

Искандария ҳокимларидан Бамулу мовус Филодлфус (мелоддан 285 йил илгари) ҳар тарафдан китоб йиғишга киришди ва жами 50120 жилд китоб тўплади. Бу иш кейин ҳам давом этди. Искандария ҳокими Амр ибн ал-Ос эса Муҳаммад пайғамбардан кейин иккинчи халифа бўлмиш Умар (634—644)га хат ёзиб, китобларни нима қилишни сўради. Умар эса «Оллонинг китобига муҳолиф китоблар бўлса ёндир», деб буйруқ берган. Ибн ал-Ос бу китобларни Искандария ҳаммомларига тарқатиб ёқишга буюрган. Ривоятга кўра, китоблар ҳаммомларда олти ой ёндирилиб тамом қилинган. Бундан ташқари, араблар ҳам VII—VIII асрларда ислом динини қувватлаш мақсадида қуръондан бошқа китобларни йўқотишга ҳаракат қилганлар.

ҲАРФ РАҚАМГА АЙЛАНГАНДА

Ўзбек халқининг ажойиб фарзанди йирик астроном Мирзо Улуғбек фожиона ҳалок этилгандан кейин шундай бир воқеа бўлиб ўтганки, бунақанги воқеа ҳаётда камдан-кам, эҳтимол, бор-йўғи бир-икки марта рўй берган бўлса керак. Маълумки, 1449 йилда Улуғбекнинг ўғли Абдуллатиф Аббос деган навкарини юбориб, ўзининг донишманд отасини ўлдиртиради. Улуғбек қатли туғрисида шундай гап бор:

Падар кушт подишоҳиро нашояд,
Ва гар шояд, бажуз шаш моҳ напояд.

Мазмуни:

Отасини ўлдирган подшоликка ярамас,
Яраса ҳам [подшоҳлиги] олти ойдан ўтмас.

Фалакнинг гардишини, кўз кўриб, қулоқ эшитмаган бу тасодифни қарангки, роса олти ойдан кейин Абдуллатиф Боғи Чинордан Самарқандга бораётганида, йўлда уни Улуғбекнинг мулозимларидан бири ўлдиради. Бобо Ҳусайн деган киши унинг калласини кесиб олади. Мислсиз «каромат» билан ёзилган юқоридаги байтга ўз замонасининг қаламкашлари шундай таърих боғлаган эдилар:

Бобо Ҳусайн кушт шабе жумааш ба тиг,
Таърихи фавтастки Бобо Ҳусайн кушт.

Мазмуни:

Жума куни кечаси Бобо Ҳусайн тиг билан ўлдирди.
Унинг ўлими таърихи ҳам «Бобо Ҳусайн кушт» (ўлдирди).

Таърих нима? Уни кимлар қандай ҳолларда ёзади? Ўзига хос сўз, аниқроғи, ҳарф ва рақамлар ўйини бўлган таърих форс-тожик ҳамда ўзбек классик адабиётларида анча кенг тарқалган. Таърихлар адабиёт намояндалари ва сўз усталари томонидан яратилар ва аксарий ҳолларда мамлакатда рўй берган турли сиёсий ва ижтимоий воқеалар, хону бекларнинг ўлими ёки туғилиши, ҳашаматли бинолар, ёхуд сув иншоотларининг барпо этилиши ва шу сингари воқеалар санасига, яъни рўй берган вақтига бағишланар эди. Аксарий таърихлар равон, ёқимли ва ажойиб маъноли иборалардан таркиб

топган бўлиб, вазнли ёки сочма шеър тахлитида ёзилар эди.

Буюк мутафаккир шоиримиз Алишер Навоий жуда моҳир таърихнавис ҳам бўлган. «Ул ҳазрат,— деб ёзган эди машҳур тарихчи олим Хондамир Навоий ҳақида,— санъатга яқин муаммолар битиш, таърих яратиш ва ҳамма воқеалар борасида муносиб сўзлар ижод этишда жуда кўп чиройли сўзлар ва кишини рағбатлантирувчи иборалар топишда танҳо эдилар» (10911—51-бет).

Таърихлар туғилишга оид бўлиб ўтган воқеа-ҳодисалар ҳақида, айрим бино ёки сув иншоотларининг бунёд этилишига доир, мамлакатларнинг истило қилиниши борасида ва, ниҳоят, айрим машҳур кишиларнинг ўлими ёки туғилиши туғрисида бўлиши мумкин.

Эски ўзбек мактабида ўқиган кишилар мана бу сўзларни яхши билишади: абжад, ҳавваз, ҳутти, каламан ва ҳоказо. Сунъий равишда тузилган саккизта ана шундай уйдирма сўз араб алифбосининг барча ҳарфларини ўз ичига қамраб олади. Таърихлар бу сўзларнинг биринчиси — абжад ҳисоби билан юритилиб, ундан ҳосил бўлган рақамдан ҳижрий йил назарда тутилган.

Абжад араб ҳарфларининг йиғиндиси бўлиши билан бирга, ундаги ҳарфларнинг ҳар бири бирор рақамга ишоратдир. Масалан, алиф — 1, бе — 2, жим — 3, дол — 4, ҳе (ҳавваз) — 5, вов — 6, зе — 7, ҳе (ҳутти) — 8, итқе — 9, ё — 10 ни билдиради. Шундай қилиб, «алиф»дан «ё»гача бўлган 10 та ҳарф бирликлардир. Бундан кейинги 8 та ҳарф ўнликлар. Чунончи, коф — 20, лом — 30, мим — 40, нун — 50, син — 60, айн — 70, фе — 80 ва сод — 90 ҳисобланади. Қолган ҳарфлардан қоф — 100, ре — 200, шин — 300, те — 400, се — 500, хе — 600, зол — 700, зод — 800, изғи — 900, ғайн — 1000 рақамини ифодалайди.

Таърихда мақсад этилган вақт — йилни топиш йўли мана бундай: таърих моддаси бўлган сўздаги ҳарфларнинг сонини абжад ҳисоби билан жам қилсак, изланган йил ҳосил бўлади. Мисол учун ҳижрий ҳисоб билан 38 йилда (мелодий 659 йилда) араблар Мовароуннаҳрни босиб олганлар. Бу воқеага «Ҳазойи абадий» сўзлари таърих бўлган. «Ҳазойи абадий» араб алифбесида 8 та ҳарф билан (جزای ابدی) ёзилади. Бу ҳарфларни сонга айлантириб, сўнгра уларни жам қилсак, 38 (3+1+7+10+1+2+4+10) ҳосил бўлади. Бу эса **ҳижрий**

йил бўлиб, бизнинг ҳозирги йил ҳисобимизда 659 йилни, яъни Мовароуннаҳр араблар томонидан босиб олинган йилни англатади. Туғилишга оид бир таърихни олиб курайлик. Заҳириддин Муҳаммад Бобир ҳижрий 888 йили муҳаррам ойининг олтисида (1483 йил 16 феввалида) туғилди. Бунга шундай таърих топганлар:

Чун дар шаш муҳаррам омад шаҳи мукаррам,
Таърих соли у ҳам омад «шаш муҳаррам».

Мазмуни:

У азиз подшо (Бобир) олтинчи муҳаррамда
туғилгани учун,
Туғилган йилининг таърихи ҳам «шаш муҳаррам»
бўлди.

Бу сўз ҳарфларининг умумий сони 888 бўлиб, таърихда мурод этилган йил ҳижрий 888, ҳозирги ҳисоб бўйича 1483 йил ҳосил бўлади. Ёки бошқа бир мисол. Ҳижрий 876 (мелодий 1472) йили улуғ амир Алишер Навоий вазирлик мансабига ўтирди. Бунга Атоулло ар-Розий Машҳадий шундай таърих бағишлаган: «Қадр қийматда Алишер жаноблари осмон амиридир. Унинг етуклигини сезишда ақл ожизлик қилади. Барат ойининг охирида фуқаро ҳолини тузатиш учун девонга ўтирди. Подшо лутфига у ҳақли ва шундай бўлиши керак эди. Замона султони давлатида муҳр босгани учун «Мир Алишер муҳрзад» таърих бўлди. Бу ерда таърих моддаси бўлган «Мир Алишер муҳрзад» жумласи ҳарфлари сонини жам қилсак, мақсад қилинган 876 (1472) рақами ҳосил бўлади.

Таърихларда баъзан салбий воқеалар ҳам фош қилинади, бўлиб ўтган ҳодисаларга норозилик билдирилади, одамларнинг феъл-атвориغا ишора қилинади. Бу кичик мақолада маданиятимизнинг олтин фонддини ташкил этувчи жуда кўп ажойиб таърихларни тилга олиш имкони бўлмади. Чунончи, астрономия ва геометрия илмлари билан боғлиқ бўлган таърихлар ҳам кўп.

ТАЪРИХ (ХРОНОГРАММА) УСУЛЛАРИ

Кунларнинг бирида атоқли шоир ва олим марҳум Ғафур Ғулом: «Ўтмишдаги шоир ва адибларимиз ҳаётда бўлиб ўтган муҳим воқеа ва ҳодисалар таъриhini

назм тариқасида ёзиб, бу билан адабий бир фан бўлган назмдаги таърихларни топиш усулини ўрганишни ва бу мавзудан маълумот олишга бизларни ундаган эдилар. Аммо кейинги даврларда нима сабабдандир бу мавзу ишланмай қолди. Шу ҳақда сиз бир рисолача ёзсангиз яхши бўлар эди»,— деб қолдилар. Дарҳақиқат қадимий адибларимиз асарларида замоннинг воқеа ва ҳодисаларига оид содда, латиф ва нуқтали, талмиҳли таърихларга кўп дуч келамиз. Демак, ўтмишдаги мавзун таъби шоир ва машҳур адибларимиз назм тариқасида таърихлар ёзиб, бу билан машҳур шахсларнинг ҳаёти, қурилган маҳобатли бинолар, иншоотлар ва ҳар нарсаникни табрик ва таъзия лозим бўлса, уларнинг саналарини ҳарфлар воситаси билан ифодалаб қолдирганлар. Кейинги вақтларда бу мавзуга илтифот қилинмагани сабабли абжод масаласи кўпчилик назаридан четда қолиб кетди. Бунга сабаб бу усулдан хабарсизлик ёки таърих моддасини ўзида сақлаган мисраларнинг мутамодий сифатлар билан ифодалангани ва баъзан хону бекларнинг ортиқча таъриф ва тавсифларининг ўқувчида бирон таъсири бўлмаганидандир. Шу муносабат билан ва марҳум Гафур Ғуломнинг тавсия ва маслаҳатлари бизга илҳом бағишлаб, биз «Ҳарф рақамга айланганда» номли кичик бир рисолача тасниф этиб, ҳурматли китобхоннинг мутолаасига ҳавола қилган эдик¹⁰. Шунинг ҳам айтиш керакки, мазкур рисола марҳум Гафур Ғулом тавсияси ва маслаҳатлари билан ёзилгани сабабли у кишининг номига мана бу таърихни келтирган эдик.

Таърих:

*Бу рисола итмомига булур таърих маърифат юзидан.
Олса Жувошмард фикри латиф Ғофир Ғулом сўзидан.*

Бу ерда таърих моддаси «Ғофир Ғулом» сўзи бўлиб, унинг ҳарфлари ададидин 2351 рақами ҳосил бўлади. Бу рақам эса кўзда тутилгандан 388 адад зиёддир. Иккинчи мисра ишоратига кўра, «Фикри латиф» сўзининг адади 428 ни чиқариб ташлаймиз. Шунда 40 етмайди. «Маърифат юзидан» ишорати билан « » (мим) адади 40 ни қўшамиз. Натижада: $2351 - 428 = 1923 + 40 = 1963$ ҳосил бўлади. Бу рисола чоп қилинган йилдир.

¹⁰ «Ҳарф рақамга айланганда», Тошкент, «Фан» нашриёти, 1968.

Сўнгра кекса адибларимизнинг таърихга оид кўпгина муҳим асарлари билан танишар эканмиз 1969—1974 йиллари институт аспирантурасида ўқиган афғонистонлик шарқшунос Ёқубжон Воҳидийнинг бизга лутфона тақдим қилган «Истихрожи таърих дар назм» («Назмдаги таърихларни чиқариш») номли асар билан яқиндан танишганимизда бу мавзуни яна ҳам тўлдириш, такомиллаштириш ва бирмунча янгиликлар киритиш зарурлиги ва таърих санъатларининг бошқа усулларини ҳам муфассал баён қилиш лозимлиги маълум бўлди.

Таърих санъатининг бошланиши даврига келсак, таърих арабларда иккинчи халифа Умар (632—644) давридан, аниқроғи машҳур Бадр уруши (624 йил)дан бошланди. Бунга мана бу воқеа сабаб бўлди: Муҳаммад пайғамбарнинг саҳобаларидан Мусо Ашъарий (VII аср) халифа Умарга хат ёзиб, биздан бошқа халқларда расмий ёзишмалар, шунингдек, муҳим воқеа ва ҳодисаларнинг бўлиб ўтган вақтини ёзиш одати бор. Бизда ҳам шу тартиб юритилиши кераклигини айтган ва таърихни ҳижратдан, яъни Муҳаммад пайғамбарнинг Маккадан Мадинага қочган йилидан (622 й.) бошлашни таклиф этган. Бу таклиф халифа ва унинг яқинлари тарафидан маъқулланган. Шундай қилиб, ҳижрий таърих 622 йилдан бошланди. Форсларнинг таърихи эса Ездигердни тахтга ўлтирган йили, яъни ҳижратдан 11 йил кейин (633 й.) бошланган.

Кейинчалик шоир ва таърихнавислар муҳим воқеа ва ҳодисалар вақтини назм тариқасида ёзадиган бўлдилар. Бу усул шундайки, тарихий бир воқеанинг содир бўлган йили ва вақтини бирор бир мисра, жумла, фард ёки бир калимадаги бирор адад ўрнига қойим бўладиган ҳарфларни далолат этадиган рақамларнинг мажмуини абжад ҳисоби билан ифода этмакдан иборатдир. Демак, таърих бир санъати лафзиядир.

Муҳтарам китобхонларимизга абжад ва унинг турлари илгаридан маълум бўлса ҳамки, мавзуга асос бўлгани сабабли такрор қилишни лозим топдик. Абжад, ҳавваз, ҳутти, каламан, сауфас, қарашат, саххаз ва зазағ сўзлари абжад сўзлари деб аталади. Илгари ўтган олимлар абжад ҳарфларининг тартиб билан келишига қараб, рақамларга далолат беради, деганлар. Бир шоир бундай деган:

Бир-бир сана абжад ҳарфларин то хутти,
Қаламандан то сауфас ўн-ўн бил.
Кейин қарашат то зазағ юз-юз.
Шунда ҳисоби жумалдан ҳалос топади дил.

Шундай қилиб 28 та ҳарфдан биринчи 9 таси бирлар, иккинчи 9 таси ўнлар, учинчи 9 таси юзлар, қолган биттаси мингдир. Бу ҳисобни «жумал» атайдилар, чунки жумал жумланинг жамидир. Бу ерда ўша абжад жумлаларини эътиборга олган бўлсалар керак.

Таърих битишнинг уч хил чиройли усули бор. Биринчиси, таърих собит бўлсин. Масалан: Амир Алишер Навоийнинг Хиротда бино қилган мадрасасига Мир Атоуллонинг мударрис бўлишига ўзи айтган мана бу таърих:

Чун мадраса сохт Мир бо илм, адаб,
Фармуд маро ифодаи аҳли талаб.
Чун дар шашўм моҳи ражаб кардам ижлос,
Таърих талаб зи шашўм моҳи ражаб.

Мазмуни:

Мир мадраса бино қилди илму адаб учун,
Талаб аҳлига ифода қилишни менга буюрди.
Ражаб ойини олтисида ултирганимга,
Таърихини ражаб ойини олтисидан иста!

бунга мисолдир.

Иккинчиси, таърих кам ҳарфли бўлсин. Мисол учун Абдурахмон Жомийнинг ёшларига» كاس (кос) — 81 ва таснифотларига جام (жом) — 44 сўзи таърих бўлган. Шуниси ажабки, кос ва жом сўзларининг ҳар иккиси ҳам бир маънода (коса, жом)дир. Ва яна бири: Шоҳ Ғариб мирза маст ҳолида вафот қилганига Амир Алишер Навоий «Махмур» (886) сўзини таърих қилган. Учунчиси, содир бўлган воқеа вақтининг кайфиятини маълум қилади. Мисол: Бобир мирзо вафотига мавлоно Ҳасан таърихи: «Дар нухсаду сию ҳафт буд» (тўққуз юзу ўтуз еттида эди). Ва ё Мўмин-мирзо вафотига қози Ихтиёруддин «Хароби мулк» — «Мамлакат хароб бўлди» (903) сўзини таърих қилган. Шунингдек, Бухоро аркининг бино қилинганига «Ду минор» — «Икки минор» (582) таърих бўлган.

Таърихлар, биринчидан, икки қисмга: суварий ва маънавийга бўлинадилар.

Таърих-и суварий (ёзилиш суратиданоқ таърих маълум бўлади) шундай таърих моддаси ҳисоб қилинган: фард, мисра, жумла, лафздан таърих зоҳир бўлиб, бунга харфлар ададининг дахли бўлмайди. Мисол учун Шайх Саъдий Шерозий ўзининг «Бўстон» асарининг тамомланишига мана бу таърихни айтган:

Зи шашсад фузун буд панжоҳу панж,
Ки, берун шуд ин ном бар дори ганж.

Мазмуни:

Олти юзга эллик беш қушилганда,
Бу ном ганж эшигидан чиқди.

Демак, асар ҳижрий 655 йили тамомланган экан.

Таърихи маънавий бўлса, ундаги лафз ва ҳарфдан баҳс қилинмайди, аксинча лафзнинг маъноси мавзуга тамом муносиб бўлади. Агар лафзни воқеага муносабати бўлмаса, у ҳолда таърих бўлмайди. Таърих моддаси қилиб келтирилган мисра ёки сўз таърихни аниқ билдирсин. Бу таърихларда ҳам ҳарфлар адади ҳисобга олинади. Ўз навбатида маънавий таърихлар тўрт қисмга бўлинади:

1) «Комил ул-аъдод» (тўлиқ ададли); 2) «зонд ул-аъдод» (зиёда ададли); 3) «ноқис ул-аъдод» (кам ададли); 4) «зиёда ҳам ноқис ул-аъдод» (ҳам зиёда ҳам кам ададли).

Тўлиқ ададли таърихга мисол: мавлоно Абдураҳмон Жомийнинг вафотларига мана бу оятни таърих топганлар:

Қилки қазо навишт равон бадари беҳишт,
Таъриҳуҳу ва маъ дахалаҳу коня оманно.

Мазмуни:

Қазо қалами беҳишт дарвозасига очиқ ёздики,
Унинг таърихи бу ерга «ким кирди омон топди»дир.

Таърих моддаси бўлган сўз «Ва ман дахала» бўлиб, 898/1492 ни билдиради.

Кам ададли таърихга мисол: Шоир Мушфиқий (XIX аср)нинг ўз ўғли Адҳам вафотига айтган таърихи:

Пери ақлдан сурадим таъриҳини, деди йиғлаб,
Гулшани таҳайюрдан акрами Адҳами кетди.
Сўзи ҳажирдан Мушфиқий ҳасратин баён этди,
Ингламай нечук қилғой айви абсари кетди.

کلبن دو م:

دو اقسام و صنایع تاریخ، و این مشتمل بر ۱۲ گل است

گل اول در بیان تاریخ صوری

تاریخ صوری آنست که فقط الفاظ مظهر تاریخ باشد و اعداد حروف بر آن دخلی نداشته باشد:

- ۱- شیخ شیر از روح دو اختتام یوسنان خود گفته .
 ذشعه لیزون بسود بنجاموینج
 که بیرون شد این نام بر داد کنج
- ۲- در تاریخ ولادت و خروج و وفات امیر تیمور کسی این رباعی را گفته : -
 سلطان تیمور که من از شاه تیمور
 در هفتصد و هفتاد و یکی کرد خروج
 در هشتصد و هفت کرد عالم به دور
- ۳- حافظ شیرازی (روح) در تاریخ وفات گفته : -
 بروی شیه و ششم ز ماه ذیحجه
 ز شاهراه سعادت بیایغ رضوان رفت
 بیال هفتصد و هفتاد از جهان ناگام
 وزیر کامل ابونصر خواججه فتح الله
- ۴- مولوی جامی تاریخ ولادت خود را چنین سروده : -
 بیال هشتصد و هفده ز هجرت ثانوی
 ز اوج غله بر وا ز گاه گزیدم
 که ز دژ مکه به یثرب سر از قات جلال
 بدین جنبش هواست کرده ام بر وبال
- ۵- و هم مولانا جامی (روح) در ختم نعمات الایس مؤلفه خود گفته :
 (در هفتصد و هفتاد و سوم گشت تمام)
- ۶- در تاریخ فوت میرزا بابرین بایستقر میرزا گفته اند :
 سا گاه غضا ز قدمت بردا نی
 در هشتصد و شصت و یک ز تاریخ رسول
 بر خاک فگفته تاج با سر خا سی
 در سادس عشرین ربیع الثانی
- ۷- تاریخ جلوس سلطان جلال الدین خلجی (خلجائی) را تحت دعای که هیچ مؤرخ
 قبله سال و ماه و روز و ساعت نوشته ام بر خسر و بلعی تم اله علوی در پنج بیت چنین روش
 بیازد:

سه شبه ستا فتاب از مه شب چست
 جمادی دوم سی و اسوه سی روز
 بیغت طاروم ویر و زده بنشست
 سوم ساعت ز روز عالم امر و روز

Бу ерда таърих моддаси «Гулшани таҳайюр» бўлиб, ундан 1610 рақами ҳосил бўлади. Бундан «акрами Адҳами» сўзининг ададини, яъни 321ни чиқарилганда (1610—321=1289) бўлиб, Адҳамнинг вафот қилган йили ҳижрий 1289/1872 йил келиб чиқади.

Зиёда ададли таърихга мисол: Бухорода бино қилинган қаландархона боғига Мирзо Содиқ мунший Бухорий мана бу таърихни айтган:

Таърихи ниҳоди боғ мавзун кардам,
Чун нор бафиқр жигар хун кардам.
Ахле хиради! Нигарки, беосибанд,
Сиб зи чаҳорбоғ берун кардам.

Мазмуни:

Мавзун боғ ниҳоди таъриhini қиларканман,
Уни фикрида жигаримни авор каби қон қилдим.
Аҳли хирад бўлсанг кўргин, осибсиздир,
Сибни чаҳорбоғдан чиқардим.

Бунда таърих моддаси «Чаҳорбоғ» сўзи бўлиб, унинг адади 1212 бўлади. «Бе сиб» («Олмасиз») сўзи ишоратига кўра, «Сиб» нинг адади 62 ни 1212 дан чиқарилганда (1212—62=1150) қаландархона боғининг бино қилинган вақти — ҳижрий 1150/1737 йил келиб чиқади.

Ва яна таърих ўз навбатида икки қисмга: Сарих (صريح) ва Таъмия (تعيمه) га бўлинади. Таъмия шуки, унинг итмоми ва саранжоми муаммо аъмолларидан бир амал билан вужудга келтирилади, яъни исқот (чиқариб ташлаш) ва қўшиш йўллари билан айтилган таърихлардир. Мисол учун Бобирийлардан Аврангзебнинг тахтга ўлтирганига Неъматхон мана бу таърихни айтган:

Бу-л-Ҳасан дошт жо бачор маҳал,
Бадараш кард зи-он миён тақдир,
У чу хоста бажош нашаст,
Шоҳ Аврангзеб Оламгир.

Мазмуни:

Бу-л-Ҳасанни тўрт маҳалда бор эди жойи,
Тақдир уни ўртадан бадар этди.
У жойидан туриб у ерга ўлатирди.
Шоҳ Аврангзеб Оламгир.

Бу ерда таърих моддаси «Чор маҳал» бўлиб, адади 282 дир. «Б-у-л-хасанки» сўзи (157)ни ундан чиқарил-

са, 125 қолади. Унга «Шоҳ аврангзеб Оламгир» (973)-ни қўшилса ($282 - 157 = 125 + 973$) 1098/1687 келиб чиқади.

Таърихи сарих ўз навбатида тўрт қисмга бўлинади:

Биринчиси, ёзилиши суратиданоқ аниқ ва равшан бўлади. Мисол: Алишер Навоийнинг қилган вақфларига «Мин вақфи Алишер» сўзини таърих қилганлар. Ҳарфлар қимматидан тўғридан-тўғри 886 рақами ҳосил бўлади.

Иккинчиси, мисра ва бир байтнинг ҳамма ҳарфлари ҳисобга кирган таърихдир. Мисол: Домодзода афанди 1203/1788 йили бир чашма кавлатганда шоир Надимо бу таърихни айтган:

Ҳамон зоти карими донмо иззу саодатла,
Мақоми жой иқбол узра шоду комрон ўлсин.
Надимо сўйлади итмомин бу мисраъла,
Ичинг бу чашмаи покизадан монуши жон ўлсин.

Бу ерда таърих моддаси тамом тўртинчи мисра бўлиб, «Таърихтом» деб юритадилар.

Учинчиси, бирор воқеанинг йили, ойи ва ҳатто кунини ҳам сўз билан келтирилган таърихдир. Мисол: мавлоно Ҳусайн Воиз Кошифий Ҳиравийнинг «Тафсир, мавоҳиб-ид-диния» асарининг итмомига мавлоно Фахруддин Али ўзининг мушқин қалами билан ёзган таърихибудир:

То хомаам ин номайи иқбол навишт.
Иқболи сухан бе-ману инфол навишт.
Гуфтам маҳу солу рўз таърих навис.
Филҳол дуввими шаҳр шаввол навишт.

Мазмуни:

Қаламим бу иқбол номасини ёзганда,
Сўз иқболини беминнат, ганимат ёзди.
Йили, ойию кунини ёзгин, дедим.
Ўша онда шаввол ойининг иккиси,—

деб ёзди.

Бундан «дуввум шаҳри шаввол» сўзларидан ҳижрий 842 йил келиб чиқади.

Яна бир мисол: фозиллар ва улуғ олимлардан бўлган мавлоно Зиёуддин вафотига ёзилган таърих:

Хирад мигуфт таърихи вафоташ,
Баруз шонздаҳ аз моҳи шаввол.

Мазмуни:

Ақл унинг вафоти таърихнини дер эди,
Шаввол ойининг ўн олтинчи кунн. деб.

Бу ерда таърих моддаси «баруз шонздаҳ аз моҳи шаввол» бўлиб, 973/1565 йил келиб чиқади.

Нуқтали ҳарфлардан таърих тузиш йўли. Бу шундай-ки, бир байт ёки мисра ичидаги сўзлардаги нуқтали ҳарфлардан таърих чиқади. Мисол: Қиёмуддин Ҳаким Фулом Ҳусайн Билкиромийнинг «Куллиётни» чоп бўлиб чиққанига ушбу таърихнини айтган:

Пас санаашро нез гуфтам аз ҳуруфи муъжама,
Назм қадри Билкиромий беҳтар аз дурри ятим.

Мазмуни:

Сўнг унинг йилини муъжама ҳарфларидан дедим,
Билкиромий назмининг қадри энг яхши дурдан ҳам
ортиқдир.

Кейинги мисралардаги нуқтали ҳарфлардан (ظ ق ب)
2, 100, 900.

(پ، ز، ز، ز، ز، د، د، ن)
50, 10, 400, 10, 7, 400, 3

Бу асар 1881 йили тамомланган экан. Бундай таърих-ларга «*مجوهر*» (мужавҳар) дейилади.

Яна бир таърих «Муҳмал» бўлиб, у ёлғиз нуқтасиз ҳарфларнинг дохилидан чиқарилади. Бунга «Таърихи содда» ҳам дейилади. Мисол:

Ҳуруфи содаларла айладим таҳрир таърихин,
Бакр ого қуруб сурур тазаввуж бар мурод ўлди.

Мазкур мисрадаги нуқтасиз ҳарфлар қиммати
(ك، ر، ا، ا، ر، س، و، ر، د، ر، م، ر، ا، د، ا، و، ل)
1, 30, 6, 1, 4, 1, 200, 40, 210, 4, 200, 6, 60, 200, 1, 1, 200, 20

қўйилганда ҳижрий 1114 келиб чиқади.

Бир мисрадан мужавҳар (муъжам) ва муҳмал таърих чиқариш йўллари ҳам бўлган. Мисол:

Садри шарафда дамбадам у зоти муҳтарам,
Қолсун мазаллатда бағам, қалби аду пур
яъсу ис.
Таърих лафзи муъжаму муҳмал каби таърих бўлур,
Китоба мужда, пур ҳунар Росиҳ афандидир раис.

Таърих моддаси бўлган тўртинчи мисрадан (کتابه) туғри нуқтали ҳарфлардан 1211 рақами чиқади. Бу нуқтасизлардан 4 адад зиёддир.

Ҳарфлар саноғи ҳисоб қилинган таърих санъатлари ҳам бор. Бу шундай: воқеага муносиб бир лафзни олиб, ундаги ҳарфларни жумал ҳисоби даражаси тартибида ёзадилар. Яъни биринчи ҳарфни бирлар, иккинчисини ўнлар ва ҳоказо. Чунончи: ҳижрий 1269/1852 йили бино қилинган боғ таърихига бир шоир طوبا «Тубо» (гўзаллик) сўзини таърих қилган:

ط و ب ا
9 6 2 1

Таърихда «Тасниф» санъати усули ҳам мавжуд. Бу санъат шуки, воқеага муносиб бир ҳарфни олиб, унинг ададини уч марта иккига бўлинади. Масалан, Шайх Носих бундай деган:

Аз ҳой Ҳаким ҳашт бар гер,
Сеҳ мартаба нисф-нисф кам кун.

Мазмуни:

Ҳаким исмининг «ҳой»ини олгинда,
Уни уч марта нисф-нисф қилгин.

Бу шундайки, «х» 8 ададдир. Уни бирлар, ярми 4 ни ўнлар, унинг ярми 2 ни юзлар, охири 2 нинг ярми 1 ни минглар даражасига кўтарилса, 1248 ҳосил бўлади.

Таърих санъатларидан яна бири: бир сўзни таърих моддаси қилиб оладилар-да, у сўзнинг зарбидан таърих келиб чиқади. Масалан, Муҳаммад Иброҳим Халил қизининг вафотига бу таърихни айтган экан:

Аз табъи Халил соли реҳлат,
Шуд сабт ду бор вой ҳасрат.

Мазмуни:

Халил таъбидан унинг реҳлати йили,
Бўлди икки бор вой ҳасрат.

«Вой ҳасрат» сўзидаги ҳарфлар қийматини икки бор ҳисоб қилинса, 1370/1950 рақами ҳосил бўлади.

Мутафарриқа санъати. Бу санъат, мухталифа таърихлар бўлиб, таърихгўйларимизнинг ажойиб санъатла-

ри билан иттифоқо юз берган деса бўлади. Мисол учун Бобирий Акбаршоҳнинг Аҳмаднагар фатҳига мана бу таърихни айтганлар:

Арабий — Явми ал-аҳад соний раби ул-аввал-(1011).

Форсий — рўзи якшанба дуввами рабиъ ул-аввал-(1011).

Ҳинди — Атвар рабиъ ул-аввал кай-дужи-(1011).

Ўзбеки — якшанба куни рабиъ ул-аввал ойн иккисп-(1011).

Мана шу тўрт тилдаги сўзлар ҳарфлари мажмуининг ҳисобидан 1011 йили ҳосил бўлади.

Илгари вақтларда таърих ибора орасида таркиблар ва калималар ҳам учраб турар эди, мақом ва мавруди-га қараб сўз келтириларди. Масалан, инглизлар Ҳиндистонни эгаллаб ҳукмрон бўлиб олганларига фозиллардан бири бу воқеани баён қилиш тариқасида Қобилга хат ёзиб, бир сўзни келтирганки, фарангийларнинг Ҳиндустон тасаллути ҳам таърих воқе бўлгандир. Мисра: «Дар Ҳинд амир шуд фарангий ва Деҳли хароб шуд» (Ҳиндга фарангийлар амир бўлди) сўзидан Ҳиндустон истилоси англатилса, «Деҳли хароб бўлди» сўзидан 1156/1743 рақами ҳосил бўлади.

Шундай қилиб, таърих — устодлар санъати билан воқе бўлган ҳиссия нақллар илгари кўп ишлатилар эди. Кўпгина тарихий воқеаларни англашда унинг аҳамияти ҳозир ҳам каттадир. Яхшиси таърих санъати ҳақида бир махсус асар вужудга келса, деган умиддамиз.

АНТИҚА МУҲҲРЛАР

Шарқ муҳрларининг тарихи етарли ўрганилмаган. Ҳолбуки, бу худди геральдика (герблар тарихи) ва нумизматика (тангалар тарихи) сингари ижтимоий-иқтисодий ҳаёт, санъат ва адабиёт тарихи учун катта аҳамиятга эга.

Муҳр қадим замонлардан борлиги маълум. Ривоятларга кўра, қадимий Бобил ҳукмдорлари узук кўзига муҳр қўйиб, қўлларига тақар эканлар. Бунга қараганда, муҳрнинг тарихи тўрт минг йилдан ҳам зиёддир. Миср амалдорлари узукка муҳр ўйиб, кўпинча бош бармоқларига таққанлар. Бирор кишига хат ёзганда имзо ўрнига муҳр босганлар. Хитойда ҳам муҳрли узук қадимдан бўлган. Бундан ташқари, хитойлар бирор ҳайвон сурати солинган муҳрни белларига, камарларига тақиб

юрғанлар. Юнонларда эрамиздан икки ярим минг йил аввал ҳам мухрлар бўлгани маълум. Чунки мулкдорларнинг мол ва бисотларини мухрлаб қўйишлари одат тусига кирган.

Ҳар бир ҳукмдор ўз нуфузини кўрсатиш учун мухрдан фойдаланган. Ёзма маълумотларга кўра, Муҳаммад пайғамбар араб кўчманчи қабилалари (бадавийлар)ни ислом динига даъват қилиб нома юбормоқчи бўлганда, саҳобалар «улар мухрсиз мактубни қабул қилмайдилар», деганлар. Шундан кейин пайғамбар кумуш узук кўзига бир мухр ўйдирган экан. Мухрга «Оллоҳ», «Расул», «Муҳаммад» калималари битилган. Бу пастдан юқорига қараб, «Муҳаммад Расулulloҳ» деб ўқилиши керак бўлган. Халифа Абубакр эса ўз мухрига «Неъма ал-қодир алло», яъни «тангридан бошқа комил қудрат эгаси йўқдир», деган сўзни ёздирган. Алининг мухрида ҳам «Барча нарсанинг ҳақиқий эгаси тангридир. У мулкини ўзи истаганича тасарруф қила олади», деган сўзлар ёзилган экан. Кўриниб турибдики, диний мафкура тарғиботида мухр бир қурол бўлган.

Мухрлар одатда олтин, кумушга ўйилар, бу эса уларнинг эътиборини оширишга хизмат қилар эди. Археологик қазилмаларда топилган мухрлар ўз даври ҳақида қимматли маълумотлар беради. Мухрнинг қайси даврга хос эканлиги кўпинча унинг ўзига ёзилган бўлади. Масалан, Самарқанднинг Боғи шамол қишлоғидаги бир тепалик остидан олтин узук топилган. Бу узукнинг оғирлиги тахминан уч мисқол чамаси бўлиб, ажойиб нақшлар орасида кўфий хат билан «Али» сўзи тўрт марта такрор ёзилган. Агар шу ҳарфлардан чиқадиган рақам абжад билан ҳисоб қилинса, 440 рақами ҳосил бўлади. Бу — ҳижрий 440/1048 йилдир.

Профессор А. А. Семёнов «Бухоро хонлиги марказий маъмурият бошқармасининг тузилиши очерки» асарида амалдорларнинг мухри тўғрисида тўхтаб, мухрларнинг ҳаммаси ҳам ҳужжатларнинг тасдиқи учун ҳамда мухр эгасининг имзоси ўрнида ишлатилганини айтади ва Урта Осиёда мухр тарихига оид материалларни тўплаш зарурлигини уқтиради. Чиндан ҳам вақтлар ўтиши билан алмашилиб турган маъмурий идоралар иши ва ҳуқуқ масалаларини тадқиқ этишда мухрларни текшириш катта ёрдам бериши мумкин. Масалан, Россиядаги дворян

авлодлари геральдикаси, шунингдек, қадимий рус нумизматикаси фанга шу тариқа хизмат қилмоқда.

Ўзбекистонда, умуман, Урта Осиё тупроғида топилган эски муҳрларда муҳр эгаси ва отасининг немигина эмас, баъзан тарих ва қуръон оятларидан бирор жумла ҳамда байтлар ҳам ёзилган.

Баъзи муҳрлардаги ёзувларни юқоридан пастга, баъзиларини эса пастдан юқорига қараб ўқиш кўзда тутилади. Айрим вақтларда ўртада ёзилган сўздан бошлаб, юқори ёки қуйига қараб ўқиш лозим бўлади. Бу ҳолат муҳрлар матнини тўғри ўқиш масаласини ҳам келтириб чиқаради.

Муҳр эгалари ўз даври, жамиятда тутган мавқен, халққа бўлган муносабати, эришган обрў-эътибори ҳақида ҳам дарак берадилар. Шунинг учун халқпарвар олим, фозил кишиларнинг муҳрлари алоҳида аҳамиятга эгадир. Улуғ Алишер Навоий муҳрдор бўлганда, олим ва фозиллар таърихлар яратганлар. Бу ҳақда Навоийнинг ўзи бундай дейди: «Бу фақирга подшоҳ муҳр таклиф қилганда мавлоно Бурҳонуддин таърих айтиб эрдиким, бағоят хўб воқе бўлуб эрди. Аммо чун фақирнинг таърифига нафсилларда ғайри воқедир, лозим келур эрди битилмади»¹¹. Алишер Навоий эслаган таърих моддаси юқорида зикр этиб ўтилган «Алишер муҳрзад» сўзлари бўлиб, унинг ҳарфлари сонидан ҳосил бўладиган ададдан 876 рақами келиб чиқади. Бундан ҳижрий 876/1472 йил муроддир. Ажойиб тасодифни қарангки, шу воқеадан роса ўн йил ўтгач, Дарвишалига муҳр иноят қилинганда, унинг охирига «Дарвишали муҳрзад» сўзлари келиб, бу ҳисоблаб кўрилса 886 (1482) йил чиққан. Демак, Алишер Навоийнинг биринчи амирлиги муддатн ўн йил бўлган экан.

Яна бир таърихни муҳокамангизга ҳавола қиламиз:

Он Мир Низомиддин Алишер,
Авсофи у берун зи ҳадди тақдир,
Чу кард қабул боз аморат,
Таърих шуд «аморати Мир».

Мазмун:

Низомиддин Амир Алишер,
Унинг сифатлари таърифга ситмайди.
Амирликни яна қабул қилганида
Таърих бўлди аморати Мир.

¹¹ «Хулосат ул-ахбор», ЎзФАШИ қўлёзмалар фонди, инв. № 10911....

Бу таърихдан биз Дарвишалининг 1482—1487 йилларда амирлик қилганлигини ва Алишер Навоийнинг иккинчи амирлиги ҳижрий 892 (1487) йилдан бошланганини аниқлай оламиз.



3-расм. Хожи Муҳаммад Фозил саҳхоф Хужандийнинг муҳри (1328/1910).

Муҳр туттиш ҳуқуқига эга бўлган шахслар муҳрни уз даражаларига қараб ёздирганлар ҳамда мартабаларига қараб муҳрни ҳужжатнинг остига ёки устига босганлар.

Муҳр матнлари муҳр эгаларининг мавқе ва сажияларини англашга ҳам ёрдам беради:

Чу менга лутф шоҳ девоида муҳр,
 Бу эди элдин қуйи муҳр урмоғим.
 Қим, гурури нафси саркаш малиға,
 Барчадин бўлгай қуйи ўлтурмоғим.
 Чу шикасти нафе ҳосил бўлмади.
 Мундин ўлди муҳрни синдурмоғим.

Навойнинг бу сатрларидан биз яна бир нарсани англаб оламиз. Демак, шикаст нафс ва олижаноб кишилар муҳрга у қадар ҳавасманд бўлмаганлар. Муҳр тутиш тақозо қилганда ҳам ўз номлари ва оталарининг исмини ёзиб қўя қолганлар. Баъзи шоҳ ва султонларнинг дабдабали, жиғали муҳрлари бўлган. Мана шулардан бири Қўқон хони Муҳаммад Алихон (1821—1843) ясаттирган икки жиғали муҳр. Хон муҳрда ўзи ва отасининг исмидан ташқари, ғозийлиги ҳамда отасининг амир ал-муслиминлигини ҳам ёздирган.

Биз муҳрлардан фойдаланиб гоҳо ҳукмдорларнинг бутун шажарасини билиб оламиз. Масалан, Аштархонийлардан Субхонқулихон (вафоти 1702) муҳрида хоннинг саккиз ота-бобоси рўйхат қилинган.

ҒАЗАЛИ БАҲОРИЯ

1969 йили Ўзбекистон Фанлар академияси Абу Райхон Беруний номидаги Шарқшунослик институтининг илмий ходимларидан Абдулла Носиров билан бирга Марғилонга бордик. Уша кунлари бу ерда олим, фозил ва таъби назм соҳибни Аҳмаджон Мадбобоев вафот қилган эди. Аҳмаджон аканинг уч юздан зиёд қўлёзма ва босма китоблари билан бир неча дафтар мусаввадаларини ҳам институт фондига сотиб олиб келдик. Мусаввадалар ичида марҳумнинг байт ва ашъори билан бирликда классикаримиз Навоий, Фурқат, Муқимий, Завқий ва бошқаларнинг ҳам ҳали кўпчиликка маълум бўлмаган шеърлари, маснавийлари, газаллари, мухамаслари ва ҳажвийлари бор экан. Шулардан бири — машҳур шоиримиз Зокиржон Фурқатнинг «Ғазали баҳория»сини диққатингизга ҳавола қилмоқдамиз. Матнда: «Ушбу беш матлаъ «Ғазали баҳория» аҳли таъб аҳбоблар бирла бир боғ томошасида Фурқат мутахаллис хўқандлик мулло Зокиржон таъби зодинди», дейилади. Демак, шоир баҳор фасли дўстлари билан боғ сайрида бўлганда «Боғда» радифли шу беш матлаъни айтган экан.

Матлаъи аввал:

Ораз очиб сайр қилгач ул суманбар боғда,
Сочди гуллар бошига зар вирдидин¹² зар боғда.

¹² Вирд — такрор-такрор сўзлаш.

Юзи сарғармиш ғамидин, ул гули аҳмар эрур.
 Демангизким, ҳар тараф очилди абҳар¹³ боғда.
 Ғунчалар ғофил хазондин, ончинон хандон эрур,
 Сонди¹⁴ сориг сабзясин гӯёки заъфар боғда.
 Кӯрдингиз чун ул сиҳи¹⁵ қад жилваи рафторини,
 Айламанг наззораи сарву санубар боғда.
 Сунбули зулфин аниг боди сабо бутратиму,
 Бӯлди туфроқ накҳатидин¹⁶ мушку азфар¹⁷ боғда.
 Шаҳсуворим келди, оё, турди савсан саф тузуб,
 Хар тараф айлаб ясоқ, илгида ханжар, боғда.
 Лаб такаллумга уюрди, бӯлғай ул ширин сухан,
 Бӯлди сувлар жӯй ичинда шаҳду шаққар боғда.
 Неча-неча бӯлмадим танҳо соч ул гул ҳажридин,
 Даста-даста тўкти булбул ҳам қолиб пар боғда.
 Жаннат ичра ҳуру кавсар ваъдаси қилди, малул,
 Соқие, тут бир раҳиқи¹⁸ руҳпарвар боғда.
 Чугз ор эткан бузук қулбамга келмас, айб эмас.
 Ноздин сайр этмас ул товуси пайкар боғда.
 Айлади булбул тараннум Фурқатий гул баргиға,
 Езиб эрдим матлаъи рангини дигар боғда.

Матлаъи дуввим:

Сунбулин бутратти, оё, ул суманбар боғда,
 Анбаромиз эсди ел ҳар соридин ҳар боғда.
 Қилдиму ҳарён хиром жилва раъно қад била,
 Сарви наврас¹⁹ ер била бӯлди баробар боғда.
 Жӯй ичинда сувлар ўлса, тонг эмас, оби ҳаёт,
 Ул лаби жонбахш юрса айланиб гар боғда.
 Хуққа-хуққа ҳар диёрда туҳфа қил эй, боғдон,
 Бӯлди сочи бӯйидин туфроқлар анбар боғда.
 Ёрим олдиға кулуб чиқмоқ учун солмиш эрур
 Ғунчалар зар вирдидин оғзига заъфар боғда.
 Астари сориг, қизил деклини акси жӯшидин,
 Настарин бӯлди гули раъно саросар боғда.
 Хирмаи гулдур агар ўлтурса бу пайкар била,
 Юрса бир сарвиравон ул жилва пайкар боғда.
 Номам ул гулчеҳраға зинҳор тақдим айласун,
 Айлагил булбулға таслим, эй кабутар, боғда.
 Нола ул наср ила чекти, мен навони назм ила,
 Мен била бӯлғай қачон бӯлсун баробар боғда.
 Лаъли жонбахш элға бизнинг ёр бӯлғай, бӯлмаса,
 Юрмади кӯкдин тушуб Исо паямбар боғда.
 Фурқатийдек тоза матлаъ ноласин такрор қил,
 Булбула қилдинг тараннум кӯб мукаррар боғда.

¹³ *Абҳар* — вужуддаги қон томирлари.

¹⁴ *Сонди* — ҳисоблади.

¹⁵ *Сиҳи* — тўғри, тикка.

¹⁶ *Накҳат* — яхши ҳид.

¹⁷ *Азфар* — ниҳоятда исли деган маънода.

¹⁸ *Раҳиқ* — соф ва хушбӯй шароб.

¹⁹ *Наврас* — янги етишган, янги битган.

Матлаъи саввим:

Бўлмади ёр ила гул сайри муъссар боғда.
Хоҳ чинни бор бўлсун, хоҳи ҳайдар боғда.
Бир гули раъно ғамидин ҳар баҳор ўлмиш манго
Ғунчадек хунижигар ютмоқ муқаддар боғда.
Боқмадинг дема гулу сунбул сори. эй, боғбон,
Йўқдур ул гулчеҳраи зулфи муаттар боғда.
Оташин гул ичра ҳар наркас кўзи бир шуъладур,
Солдиму оташкада ёинки Озар²⁰ боғда.
Бу тароватда юзини кўргач, хижолат чекмаса,
Гулни рухсори нечукдин бўлди аҳмар боғда!
Анбарин зулфиға сунбул ўзни ўхшатса бўлур,
Ҳар қачонким, заъфарон ўлса муасфар²¹ боғда.
Нофаиҳ чин савдогари келтурмасунким хокин,
Накҳати зулфи қилибдур мушки анбар боғда.
Кечалар гулшанни маҳтоб эткали ҳар настарин,
Ҳар тарафда бўлди бир моҳи мунаввар боғда.
Кўзлари қийғочидин бодом дам урмиш эди.
Туши аъзосига юз минг заҳми наштар боғда.
Воиё, беҳуда ташбихоти тимсолингни қўй.
Не муносиб қоматиға сарву ар-ар боғда!
Бу баҳор ўлмиш ажаб дилсўз бўлбул ноласи,
Фурқат ашъоридин, оё, қилди азбар²² боғда.

Матлаъи чаҳорум:

Жилва қилди юз очиб ул ҳурманзар боғда,
Шуъла чекти гўйё хуршиди ховар боғда.
Яхши келдинг, зоҳидо, бош индур абрусигаким²³
Тузмамишдур боғбон миҳобу²⁴ мишбар боғда.
Мен жунун аҳлиға сардор ўлсам охир, айб эмас,
Қим пари хилиға ёрим бўлди сарвар боғда.
Соқиё, бу кеча туткил бир қадаҳ май сибқариб,
Масту лояъқил²⁵ бўлай то рўзи маҳшар боғда.
Сарвининг синди белию гуллар ўлди поймол,
Ҳар тараф ул шўхким сурди таковар²⁶ боғда.
Ҳар қадам қўйғонда гулнори кафидин очти гул,
Айлади они ҳино бошиға афсар боғда.
Сунбул ўлмас зулфидин неға паришон рўзгор,
Қим бинафша хаттидин бўлди муқаддар²⁷ боғда.
То нигорим юзидин касби тароват қилмади,
Бир гули йўқким очилғай тозау тар боғда.
Ул ҳарифи бодапаймо бирла ҳаргиз оҳким,

²⁰ *Озар* — оташпарастрлар сиғинадиган фаришталардан бири.

²¹ *Муасфар* — асфур деган кўкат рангига бўялган.

²² *Азбар* — ёдламоқ.

²³ *Абру* — қош.

²⁴ *Миҳоб* — тизгин, ип, арқон.

²⁵ *Лояъқил* — ақлдан озган, ҳушдан кетган.

²⁶ *Таковар* — йўрга от.

²⁷ *Муқаддар* — қадарли, гамли.

Чекмадим гулранг май бир неча соғар боғда.
 Уқуди булбул хазон фаслида бир боб, онгладим,
 Ғунча такбир ила гул очқонда дафтар боғда.
 Фурқат иншо айлагач, бу тоза матлаъни эшит.
 Қумри тобе ўлдию булбул мусаххар²⁸ боғда.

Матлаъи панжӯм:

Сайр этар бизнинг бориб зулфи муанбар боғда,
 Турмасун, тортар хижолат, сунбули тар боғда.
 Не таҳаммулдурки, бўлди жоми жам, ҳар гул яна,
 Настарин кўзгуси миръоти Скандар²⁹ боғда.
 Оташин рухсоридин гул хирманига урди ўт,
 Булбул аҳкарлар аро бўлди самандар³⁰ боғда.
 Ҳар аёғ босқон еридин сабзау райҳон унар,
 Юрса ҳарён ул баҳори нозпарвар боғда.
 Булбулу қумри гулу сарв узра қадду оразин
 Васфида нақш ўқур ул икки қаландар боғда.
 Қаддиға айлаб хасад, эргашмасун, деб боғдон,
 Сарв аёғин боғлади сув бирла чамбар боғда.
 Ғуна-ғуна ерда рангин хилъатининг аксидур,
 Демаким товуси жаннат ёзди шаҳпар боғда.
 Ҳар тараф оқу қизил гул баргина сочти насим,
 Лозим ўлмай қолди ганжи бодиовар боғда.
 Кечалар маҳтобу кундуздур булут қатра фишон,
 Бўйла мавсум ҳеч қачон ўлмас муяссар боғда.
 Ҳавз аро сув мавжидан себаргалар ғалтону ғарқ,
 Сабзаларни тебратиб ел ҳам саросар боғда.
 Айш асбоби муҳайё, ҳайфким аҳбоб йўқ,
 Чеккали Фурқат кеча то субҳ соғар боғда.

Қўқонлик олим, шоир ва хаттот мулла Сулаймонқул уста Суярқул ўғли Рожий (XIX асрнинг иккинчи ярми — XX аср бошлари) ўз даврининг тараққийпарвар шоирларидан бири эди. У яхши таърихгўй ҳам эди. Мисол учун буюк мутафаккир шоиримиз Алишер Навоийнинг «Мажолис ун-нафоис» асарини 1911 йили кўчириб ёзганда мана бу таърихни айтган:

Юз шукурки таҳрир толиб ушбу китоб,
 Сўз аҳлининг аҳволида келмиш неча боб.
 Битмакчи эдим мен рақами таърихин
 Дафтар юзини тазкира олди қуршаб.

Бунда таърих моддаси «тазкира» сўзи бўлиб, ундаги ҳарфларнинг қиммати сонидан 1325 ҳосил бўлади. Бироқ бу рақам китоб кўчирилган йил тарихига 4 та

²⁸ *Мусаххар* — забт этилган.

²⁹ *Миръоти Скандар* — Искандарнинг жаҳоннома ойнаси.

³⁰ *Самандар* — ўгда ёнмайдиган афсонавий махлуқ.

етмайди. «Дафтар юзини тазкира олди қуршаб» ишоратига кўра, «дафтар» сўзининг юзи, яъни бошланғич ҳарфи дол (>)нинг адади 4 ни, «тазкира» адади 1325 га қўшилса ($1325=4=1329$), 1329 рақами ҳосил булади. Демак, китоб кучирилган йил ҳижрий 1329 (мелодий 1911) йил экан. Мана шу таърих ҳам Рожийнинг бу соҳадаги зўр маҳоратидан гувоҳлик беради.

Рожий бирмунча асар, кўпгина бадиҳа, шеър ва ғазаллар мерос қолдирган. Булар орасида халқ мақоллари асосида ёзилган тўрт юзга яқин зарбулмасал рубойлари алоҳида қимматга эгадир.

Шоир Рожийнинг менга устодлик ҳуқуқи бор. Мен бу билан фахрланаман, албатта. Мен 1910 йили домудла Рожий қўлида жали хат — йирик ҳарфлар ёзишни машқ қилганман, форс-тожик адабиётини ўрганганман. Дафтарларим ичида Рожийнинг зарбулмасал рубойларидан еттитаси сақланиб қолган. Буларни домудла ўз қўллари билан ёзиб қўйган эдилар. Устод Рожийнинг юксак бадий қимматга эга бўлган бу оригинал шеърларини муҳтарам ўқувчилар билан баҳам кўришни лойиқ топдим.

Зарбулмасал рубойлар:

Даврон эли эту пўстинга кирғайдур,
Кирса сенинг қошу кирпикинг терғайдур.
Зинҳор ўзингни ёр оларга олма!
Қассоб эса ошнога сўнгок берғайдур.

Қўлида не эрса тикма кўз ҳечкимнинг,
Шиквасида доғи қилма сўз ҳечкимнинг.
Иш қилки, бировга берғучи бўлма, зарар.
Ҳалвойтариға солма туз ҳечкимнинг.

Қаерда эса юр уқуқдин³¹ сен қочибон.
Қолма силадин³² ғамин кўнгул ичра ебон.
Ҳолинга назора қил, маолинг³³ уйла,
Сотғунгму отангни чакса кепакни дебон!

Ғар истасанг очун³⁴ ичра жонингга амон,
Бошминлиғининг³⁵ олғил ўздину тут фармон.

³¹ Уқуқ — ёмонлик.

³² Сила — раҳм-шафқат.

³³ Маол — оқибат.

³⁴ Очун — дунё.

³⁵ Бошминлиғ — бошлиқлик.

Ҳар эр эса они яхши бил, ўзни ёмон,
Бугдой бил улусни(нг) барчасин, ўзни сомон.

Ёр ўлса сенго қай эр, олиб ўзни ҳам,
Дардиға давоу захмиға бул марҳам.
Ташлама анго арғидамоқ³⁶ кўзинг,
Утрукни³⁷ дебон берма анго чакса кам.

Очликни(нг) гамидин урма бошинга тош,
Урёнлик³⁸ учун олма икки кўзга ёш.
Қонез³⁹ бўлу ўзни ҳақга таслим этгил,
Тўппи топилур агар эсон бўлса бош.

Шоҳ ўлма ва кирма зулм ўрдосиға,
Ташлама кўзинг букуну фардосиға⁴⁰,
Ўзингни қочур онинг қотидин, йўқса —
Тузму солурсен улус нишолдосиға!

Ўзбекистон ССР Фанлар академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институтининг қўлёзмалар фондида улуғ Навоийнинг 450 жилддан иборат асарлари сақланмоқда. «Чор девон»нинг «9367» рақами билан сақланаётган «Фаройиб ус-сиғар» китобида Навоий ҳақида ёзилган бир қасида бор. Қасиданинг қачон ва ким томонидан ёзилгани маълум эмас. Мазкур китоб 1836 йили (ҳижрий ҳисоб бўйича 1252 йил) котиб Муҳаммад Юсуф ибн уста Қаландар Мурғиноний томонидан кўчирилган. Китобда Навоий ҳақидаги қасидадан ташқари «бозгашт»⁴¹ усулида ёзилган бир ғазал ҳам бор. Ғазалда «соқийё» сўзининг такрорланишига қараб, Навоий васфидаги қасидани ҳам Соқий тахаллусли шоир ижод этган бўлса керак, деб тахмин қилинади.

Биз қуйида ана шу ғазал ва Навоийга бағишланган қасидани муҳтарам китобхоннинг диққат-эътиборига ҳавола қилмоқчимиз.

Ғазал:

Гулузорим ҳусн иқлимиға эрмиш шаҳриёр,
Шаҳриёри жаҳонға тождур ул гулузор.

³⁶ *Арғидамоқ* — ёмон.

³⁷ *Утрук* — ёлғон.

³⁸ *Урён* — яланғоч.

³⁹ *Қонез* — қаноатли.

⁴⁰ *Фардо* — эртаги кун.

⁴¹ Биринчи мисрадаги биринчи сўзнинг иккинчи мисра охирида, биринчи мисрадаги охирги сўзнинг иккинчи мисра бошида келиши.

Беқарору зору ҳайронман фироқи илқида,
Илқида кўнглум асиру кўида жон беқарор.

Ихтиёр этдим тамошойи висолин билмайин,
Билмайин кўрди кўзим бўлди кўнгул ихтиёр.

Интизор эрдим манго қилғай назар деб лутф ила,
Лутф ила боқғайму деб юз минг манингдек интизор.

Лолазори даҳр чун қилмас вафо, эй дўстлар,
Дўстлар гар ашқдин оламни қилсанг лолазор.

Ғамгусори топмадим арзу ниёзим Соқие,
Соқие бир жоми май бирла манго бўл ғамгусор.

Қасида:

Сўз гулшанининг булбули гўёси Навоий,
Маъни садафининг дури яктоси Навоий.

Қуръон ичида ёд қилиб ҳақ деди инсон,
Инсон чаманининг гули раъноси Навоий.

Исо киби жонбахш, сўзи жонға муассир,
Мусо киби маъни яди байзоси Навоий.

Ҳам муршид анго ҳазрати махдуми Жомий,
Ул важҳ илаким гавҳар афшоси Навоий.

Ҳам авжи фасоҳат уза шахбози маъоний,
Ҳам Қофи балоғат аро анқоси Навоий.

Ҳам баҳри латофат аро ғаввоси гуҳарсанж,
Ҳам боғи назокат гули ҳумроси Навоий.

Ҳам килки шакаррезлигини сўзи ширин,
Сўз шакарининг тўтйи шакархоси Навоий.

Ҳар бир ғазали ишқ элига ёри мувофиқ,
Сабр ояти мажлиси тараб афзоси Навоий.

Чун «Хамса» анго рутбада беш ганжи ҳақойиқ,
Девони муҳаббат маю миноси Навоий.

Езганда магар килки қазо назм ила отин,
Ул номаға дебоян афзоси Навоий.

Назм аҳли жаҳон базмида юз минг яна бешак,
Ул зумра аро масрур ва аълоси Навоий.

Сўз шоҳидига бермади мундоғ киши зийнат,
Маъни юзининг ошиқи шайдоси Навоий.

Тахлиси келиб форсий девонида «Фоний»,
Турки сўзи назми аро тамгоси «Навойй».

Мавлуди шарифига тарих анису ғамхор.
Дарёйи фикри эрур жумла жаҳон ороси Навоий.

Байт:

Мавлуди шарифига тарих анису ғамхор.
Дарёйи фикри эрур жумла жаҳон ороси Навоий.

Бу ерда биринчи мисрадаги «анису ғамхор» сўзи аб-жад ҳисобида 1968, иккинчи мисрадаги «дарёйи фикри» сўзлари 525ни билдиради. Бундан улуғ шоирнинг мавлудига 525 йил тулганлиги ва бу айёми муборақ 1968 йили нишонланганлиги англашилади.

Шарқшунослик институтининг қўлёзмалар фонди нодир китоблар, бебаҳо рисолаларга ниҳоятда бой. Ана шу қўлёзмалар орасида 2369 рақами билан сақланаётган «Нақлнёт, ҳазилнёт ва мутояботи зурафо» («Зарифларнинг нақл, ҳазил ва мутойибалари») номли баёз (тўплам) ҳам бор. Баёзда бухоролик шоир қози Шарифнинг бир нечта нозик дид билан ёзилган латиф шеърлари ўрин олган. Қози Шарифнинг XVIII асрда яшаб ижод этганлиги тахмин қилинади. Бир неча латиф шеърларини форс-тожик тилидан ўзбек тилига таржима қилдик. Шоирнинг:

Сўн вайронам омад жилма купон,
Баҳри пурсидани бемори худ он сарви равон.
Аз ҳаё чун табақи гул руҳи рангин зи арақ,
В-аз хипо дасти биллурии чу ду шохи маржон.

Мазмуни:

Жилва қилибон келди вайронам томон,
Ўз бемори ҳолини сўргали ул сарвиравон.
Ҳаётдан юзи бир табақ гул каби рангин
тердан,

Оппоқ қўллари хинодан гўё икки шох маржон.—

деб бошланадиган «Бемор ва табиб» сарлавҳали шеъри бадиийлиги, мажозий тасвирлари, латофати билан эътиборни жалб этади. Қуйида ана шу шеърнинг насрий таржимасини келтирамиз.

БЕМОР ВА ТАБИБ

У сарвиравон ўзининг беморини кўриб, ҳолини сўраш учун вайронамга жилва билан кириб келди. Юзи

тер билан ювилган, ҳаёдан гўё бир табақ қизил гул каби. Биллур қўллари хинодан худди икки шода маржондек. Зулфи билан холи юрак қушига донаю дом бўлса, қоши ила ғамзаси менга ўқ отгани тийру камон. Қокилининг бўйи ёқасидан то этагигача Хутан мушки бўлиб анқийди, қулоқларидан елкасигача безаклари лаъл бўлиб томиб туради. Сочи зирҳ кийиб, ғамзаси қондан камар боғлаб, киприкларининг ўқи ўқталган найзадек турарди. Менинг рангим ўчган, дилимда унинг сурати, тан эса бежон. У мен бечора, бекас ва ғариб беморини кўрган келди. Дил ҳасратга, жон ғамга, кўз ёшга тўла, нола эса дилда тугун бойлаб, лабимнинг фиғон йўлини тўсиб қўйган эди. У сарвқомат келдию ёнимга ўлтирди. Шамдек надомат бармоғининг учи оғзида эди. Ғоятда шавқ билан томиримга қўл суниб: Қалайсан, вақтинг қандай ўтаётибди?, деди.

— Худога шукур, баҳарҳол. Ранжнинг айши ва беморлик ғами саломатлик билан ўтаётибди.

— Қаеринг оғрийди ва нимадан озор топасан?, деди.

— Менинг озорим юракда, дардим эса жондадир, дедим.

— Томирингнинг тез-тез ва шиддат билан уриши нимадан?

— Тўфон мавжидан қиёс қилсанг бўлади.

— Баданинг жуда иссиқ, иситманг қаттиққа ўхшайди.

— Эй воҳ, юрагимнинг шароридан озгинаси сенга билинибди.

— Касални табибдан яшириш ярамайди, мендан андиша қилмасдан аҳволингни сўзлаб бер.

Менинг озорим бир табиб дастидан. Менга теккан дард ва унинг давоси ҳам ўша табибдандир:

— Қандай меваларга ва яна нималарга майлинг борини менга айт.

— Занахдон олмаси ва пистон анорига, дедим.

— Баданинг нимагадир титрайди, деди.

— Фиғоннинг жўш уришидан, дедим.

— Терлайсанми?, деди.

— Сенинг олдингда ўзимни тутолмай терлайман, дедим.

— Жигарингнинг куйиши нимадан?

— Жонимнинг куйишидан.

— Касаллигинг асносида қон йўқотдингми?

— Қон тўқувчи кўзимдан ҳар дамда юз тўфон.
— Дорилар жинсидан нималарни хуш кўрасан?
— Юзингдаги хол ва икки қизил лабингдан бўса,
дедим.

— Кечаларни акса урасанми?

— Ҳа! Тонг отар пайтида насим шабада жонон ко-
килнинг муаттар бўйини келтирганда.

— Юрагинг уряпти, деди.

— Висол шавқидан, дедим.

— Бошинг қалтираб турибди.

— Киприк найзаси шавқидан.

— Тушликда қандай таом истеъмол қиласан?

— Қонли дилим қуши ҳасрат ўтидан бўлган кабоб.

— Эснайсанми?

— Ҳа, жуда кўп эснайман. Аиниқса писта оғиз ва
лаби қандлар менинг рўбарўмдан ўтганларида.

— Оғзинг ва комингнинг қақраши нимадан?

— Мабодо билмасдан зоҳид номини тилга олган-
нимда.

— Кечқурун қандай шарбат ичасан?

— Жигардан тортиб то оғизгача ёрадиган жудолик
захрини.

— Сени бирор марта чўмилтирдиларми?

— Йўқ, аммо ювиниш эвазига жондан қўл ювдим.

— Иссиқ нарса истеъмол қиласанми?

— Жигар қонидан истеъмол қиламан.

— Парҳез қиласанми?

— Дунё айшидан, дедим.

— Сени бирорта табиб келиб кўрдими?

— Келди-ю, афсус кафтини бир-бирига уриб, гирён
булиб чиқиб кетди.

— Сенинг дардинг нималигини энди билдим, ишқ
дарди экан. Бунга ёрдан бошқа даво йўқ,— деди кулиб.
Ростдан ҳам сенинг касалинг аниқланди. Қасал аниқ-
лангандан кейин унинг иложи осон бўлади. Менингча,
ишқ ҳавоси аввало бошингга озгина таъсир қилибди;
бора-бора жонингга ўт қўйибди. Сенинг борлигингга ўт
қўйган бир ёрнинг ёми бўлиб, унинг ғамидан бошқа
ғамнинг ному нишони сенда энди асло қолмасин. Хўш,
қани энди менга айт-чи, у ёр ким ўзи?

— Ўз-ўзидан кўриниб тургандан кейин айтиб ўти-
ришнинг нима ҳожати бор, дедим. Тундланиб ғазаб би-

лан бошини қуйи солиб, бир нафас лабини тишлаб турди-да, кейин:

— Менга ҳеч ким бундай озор бермаган эди, бир сен бу хилда бемаъни сўзларни тилингга олдинг. Сенинг бу густоҳлигинг учун бедодлик ханжари билан тилингни кесиб олиш пайти келди,— деди.

— Эй сарвиравон! Менга раҳм эт.

— Сен ўзинг менга ростини айт, деди.

— Сенинг олдингда тилимни хиёнат чирки билан олува қилишни истамадим. Менинг бошим ва жоним кетганда ҳам ошиқи содиқнинг маъшуққа ёлғон сўзлаши ҳоли мендан бошланмайди.

Лаб остида кулиб: Ажаб айёр киши экансан. Ширин забонлар сенинг гапдоқлигинг сайди бўладилар.

— Эй, хўблар шоҳи, юрагини қўлига олиб, халқдан яшириниб юрган киши қандай айёр бўлади?

— Сенинг тилинг тўғрисида бир сўз айтиш қийин. Ваҳолонки, ошиқларнинг тиллари бўлмайди, деб эшитган эдик.

— Тўғри айтасан. Бироқ маъшуқа аҳвол сўраб турганида ошиқнинг хомуш бўлиши ярамайди. Айниқса, сўзамол маъшуқа олдида сўзламаслик мумкин эмас. Гул олдида булбул ҳам тилини тийиб туrolмайди.

— Мен энди сени нима қилсам экан?

— Нима қилишни истасанг, мен ўшанга тайёрман.

— Ундай бўлса, ўрнингдан тургин-да тиз чўкиб ўтир. Аммо афсунхонлардек афсона ва беҳуда сўзларни гапирма. Менинг олдимда ўзингнинг билганларингни ўринсиз сарф қилма. Менга ўхшаб сўзни сухан майдонида гапир. Туриб ўлтиргину нозу ишва ва фирибгарлик матонни тўқимагин. Сўзни чўзма, нола этма, оҳ тортма ва қисса ўқима. Мен сенда нола қилиш ва зое сўзларни айтишдан бошқа бир касални сезмадим. Сен ўзингни беморликка соласану, лекин сенда сарғайган юздан бошқа касаллик кўринмайди. Сен шу хилда ётибсану, мен сенинг олдингда ерда ўлтирибман. Сенинг бу ҳолингга чолғулар нола чекиши керак, чунки ўликни олиб кетишда оҳу афғон бўлади.

— Сен, майли менга ноз қилавер. Маъшуқаларнинг нози ошиқларга жафодир. Шу шаъну шавкатинг билан сендан нозни тортиб оладиган одам борми ўзи? Ноз қилиш учун чиройли юз ва хумор кўз... тиг тортар киприкларинг бор. Маъшуқа ошиққа ноз қилмайди, деб

эшитганинг борми? Нима, бу расмни бугун фақат сен оламга жорий қилмоқчимисан? Яхшиси қўлимдан торт, мен ўрнимдан турай, шу билан танимда беморлик асари қолмасин!

— Сен ўз тилинг билан мен айёр эмасман, дедингу, ҳозир яна беҳуда сўзларни айтаётибсан. Фусун билан гул сафҳасини (баргларни) қўлга бериб бўлмагандек, ҳийла билан суман баргини эритиб бўлмайди. Риндликни ташла, қаландарлардек риёкорлик қилма, мен ҳам юзимни сендан қиё яширмайини.

— Пиёздек қатма-қат, серпарда бўлиш яхши кўринмайди. Сен бизнинг олдимизда наргисдек либоссиз бўлсанг яхши бўларди.

— Сенинг дардинг камаймаётибди-ку, нима қилсам экан? Қани ўрнингдан тур-чи, бари бир сендаги дард кучли эмас, деди-ю қўлимдан тортиб мени ердан тургизди. Ўрнимдан турдимۇ ҳиммат этагини белга қистириб, у нозанинни меҳмон қилиш пайида ғаму аламли еримга кўз ёшим билан сув сепдим, кипригимни супурги қилиб супурдим. Дарвишлик либосини ечдимۇ, торгина жойга ташладим.

У ой ўлтирди-ю, юз лутф билан сўзга лаб очиб: «Қани айт-чи, сенинг бу ҳужрангда шароб зотидан бирор нарса борми?— деди.

Афсуски, шаробим йўғу, аммо кабоб бўлган юрагим бор. Майфуруш муғнинг олдида эътиборим бор. У бир нимани гаров олиб, кафолат йўли билан май бериши мумкин. Кўп кишилар майни сажжода (жойнамоз), салла ва китобни ҳам бозор бошидаги дўконга гаров қўйиб оладилар-ку.

— Қачонгача ҳеч нарсанг йўқлигини баҳона қиласан. Менга меҳмондорчилик кўрсатасанми, йўқми?

— Ўрнимдан турдимۇ орқага тисарилиб, бошимни қўйи солдим. Ҳижолат тери бош-кўзимдан тома бошлади.

— Эй, сарвиравон, сенинг қадинг нисори учун нима қилайки, мана шу яримта жон ва оқар ёшдан бошқа бир нарсам йўқ, дедим.

— Мен аҳволнингнинг бу қадар ночорлигидан хабарим йўқ экан. Дунёда қорни туқнинг қорни очдан хабари йўқ, деганлар. Бемор бўлганингга шукур қилишинг керак. Чунки менинг кўнгил сурашим сенинг яширган сирингдан хабар топишимга сабаб бўлди. Демак, бу бе-

морлик ранжи сенга олтин ганж ва мева келтирди. Ҳақиқатан ҳам давоси топилган дардга балли дейиш лозим. Фақирликда сенга нима келган бўлса, бу сенга таваккалнинг мукофотидир. Кишилар сенинг табиатингни эҳтиёжсиз деб ўйлайдилар. Сенинг жононлар сочидан ҳам паришонлигингни қаердан билсинлар. Мана бу мулоҳаза ва фикрдан сўнг сенинг бу ранжи равонинг ганжи равон навъидан бўлишини истайман. Қани энди бодани беру, ўзинг ҳам ич, кўрайлик-чи, эртага даврон кимга кулиб боқаркан.

Тиз чўкиб, ер ўпиб, май узатдим. Қачонки, жонон май ичар экан шайх ҳам соқи бўлади. Жомни қўлимдан олди-ю, иккинчи жомни менга, ич, деб буюрди. Айтдимки, Эй, жаҳон хўбларининг шоҳи! Мени хижолат этма, менга май ичиш таклифини қилма. Мен бир умр бундай луқмани истеъмол қилмаганман ва бундан менга зиён етади.

— Майли соқи бўлганинг сабабли мен сени кечирдим. Бўлмаса нағмачи бўлиб ўзингдан бир газал ўқигин, деди.

Мен унга дедим: Сенинг ёдинг билан бўлиб менинг хотиримда бир байт ҳам қолмаган. Бир мусаввада дафтарим бор эди, уни ҳам дуқонга гаров қўйган эдим.

Мен сенинг девонингни бошдан-оёқ ёддан биламан. Сенинг равон табъинг бор, янги, зебо бир газал тартиб этгин. Бугун сенинг учун янги кун. Эски ашъорингни бозорга солиб ўтирмай, бадоҳатан янги ва мастона бир газал ўқигин. Агар кайфинг чоғ бўлмаса, майдан иккинчи жом пайдар-пай ичиб олгин, мастона шеър айтиш осон бўлади, деди-ю, бир жомни тўлдириб менга сунди: Ол энди, ёрим, бу соғарни сипқориб юборгин-да, бир газал ўқигин, деди.

Кўрдимки, чора йўли менга тўрт томондан ҳам тангу тор бўлиб қолди. Жаҳон парвардигори лутфидан марҳамат тилаб, ана шу газални наво билан ўқидим:

Эй, жаҳон хўблари даврасининг сардафтери,
Булбул билан қумри сенинг шавқинг ҳалқасида ҳайрондир.
Сочинг ўримларининг туғуни гуллар ишратгоҳи,
Мушкин кокилинг тери жон риштасидир.
Сенинг ёногинг, оразинг ва кўзинг томошаси учун боғда
Тол мажнун, гул ошифта-ю, наргис ҳайрондир.
Гул баргидек юзинг ва сарв қаддинг ҳаводорлигидан,
Булбул ва қумри сарв билан тил бириктирганлар.

Боғи Эрам гунчаси оғзингнинг заҳматидан,
 Сўзлашга қодир тўтининг лабига шакар танг бўлиб қолди.
 Ишқ ҳусн чаманининг тарк этган куни,
 Сенинг гулинг оёғига бизнинг булбулимиз фиғон тўқди.
 Бизнинг қумримиз ҳали тухумда экан,
 Ўз бўйнига у сарвиравондек қад учун бандалик ҳалқасини тоқди.
 Эй, хаста диллар табиби, чаманга келар экансан,
 Лола дилидан доғ ва наргисдан сариглик касалини кетказасан.
 Сенинг кипригнинг садоғи дилимиз сайди учун.
 Бизча кам уқ бўлган билан ишсонга тўғри олғувчидир.
 Менинг хаста дилимга малҳам қўйиш учун
 Ғамзанг тир тортиб кокилинг мушк таратувчидир.
 Даври шундай ўтказгинки, сенинг даврингда мен соқийлик
 қилай,

Сен ҳам даврон каби кинадин менга душманлик қилмагин.
 Мен билан ёр баҳам, янгидан вафо аҳдини туздик,
 Лекин мен жону дилим билан аҳд боғладим, у ой эса тилида,
 Савдо қаттиглигини мен билан ёр баҳам кўрдик Шариф,
 Менинг бемадор жонимга унинг эгри қоши қаттиқ камон бўлди.

Адабиёт мухлисларига маълумки, ўзбек ва форс-тожик классик адабиётида тутал жанри қўлланиб келинган. Тутал ҳазил, мутойиба, лоф ва латифа тариқасида айтилган сўзлардир. «Тутал достони муаммоси»нинг муаллифи Мирзо Ҳасрат бундай деган: «Қишилар кудурат, ғаму ғуссалар зангининг жилоси ҳазил, мутойиба ва тутал сўзлар билан равшан бўлади. Шунинг учун вақти хушлик боиси бўлар, деган умидда бир неча калимани келтирдик».

Шунга кўра биз Мирзо Ҳасратнинг «Тутал достони муаммоси» билан муҳтарам китобхонни таништиришни лозим кўрдик. «Тутал достони муаммоси» Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институтида сақланган 8982 рақамли «Баёз» қўлёзмасидан олинди.

ТУТАЛ ДОСТОНИ МУАММОСИ

Туя тўқувчи Мирзо Ҳасрат Минортарошлар гузарига Шириндона ҳовузининг ўртасида калава еди. Кейин беҳуда Шолғомдўзлар Чорсусига бориб қолди. Айтадики: «Бир куни бошимда бузоқ экиш ҳаваси туғилди. Сипанд седанадек ўрнимдан ирғиб турсам, йўлим Пайтавапўш дил палови нўшлар мадрасасига тушиб қолди. Йўлда бир аёлни кўрдим. Унинг оёғида бир тутам оппоқ соқол, бошида зар ҳошия, белида зарбоф тўн ва қўлида олача салла. Мен унга: «Алайкум ассалом», дедим. У дедик: «Агар бу дарахт бошида чўлоқ туя ошён қилса,

шурва туқувчи уста Тўқим Качкул жаллоб Мирзо Темур-га нима нуқсон етади?». «Баракалло,— дедим, Сени босилмаган кигиз сути билан қўш ҳўкиз хонасида тарбия қилган онангга офарин!». Бу аҳволга муносиб бир байт, кафш ошхонасида фақирнинг тилига келиб қолди:

Бежамолат шохи уштур қолиби гул мехурад,
Шалғами наззораам полони булбул мехурад.
Баски берундўзи, дандони қоғаз хаста шуд,
Бинийи Фарҳодро чун пой сунбул мехурад.

Мазмуни:

Сенинг жамолингсиз туянинг шохи гул
қолипни ейди.
Менинг шолгомсифат қарашим эса булбул
тўқимини ейди.
Қоғознинг тиши ташқаридўзликдан оғриган экан,
Сунбул оёғи Фарҳод бурини ейди.

У ердан ўтганимдан кейин уста Телпак Фозилдўз ва домулло Маҳмилбофларни баҳслашиб турган ҳолларида учратдим. Бирини: «Менинг мушугим муз еганидан пахта қилибди», деса, иккинчиси унга маъқул жавоб берарди: «Агар минора соясига гилоф қилинса, ҳаммомда кўкартиришга ҳожат қолмайди. Тўрт оёғлик лайлак туртинчи осмоннинг дарахти чоҳида ошён қилса, кўршапалак болалари найли от қилиб минсалар ўрни борми?». Мен бўлсам мана бу байтни қурбақа нагмасидан ҳам баттарроқ қилиб ўқидим:

Шаб бамасжид бетаҳорат зулфи минбар ёфтам,
Соян мужғони мўри ботабар биш кофтам.
Нар бузу хар куррагови доштам шуд паид,
Аз дуруни бинайи Мирзо Самаандар ёфтам.

Мазмуни:

Минбар зулфини бетаҳорат кечаси мачитдан топдим,
Чумолининг киприги соясини болта билан ёрдим.
Така эшагим, тойчоқ сигирим бор эди, йўқотдим.
Уларни Мирзо Самаандар бурни ичидан топдим.

Бу байт икковларининг дилларини шундай аҳволга солдики, уларнинг кўз ёшлари курраси қўлтиқлари оғзидан оқа бошлади. У ердан ўтганимдан сўнг оёғим осмоннинг ковагига тушиб кетди. Бу касални даволаш учун табиб олдига бордим. Табиб: «Бу дардингнинг даво-си шуки, қўшни қизнинг бурнининг саночини тортмасдан сугуриб олиб, ўз кўкрагингга боғла, оёғинг шундай

синадики, қиёматгача ўз жойингдан қўзғалмайсан»,— деди. Мен табибни бундай дуо қилдим:

Умри ту дароз бод ҳамчун думи гов.
Дасти ту шикаста бод ҳаргиз никлов.

Мазмуни:

Умринг мол думидек узун бўлсин,
Қўлинг синиб ҳаргиз занжирбанддан чиқмасин.

Табиб менинг бу табиатимга таҳсинлар айтиб ошиқона байтлар ўқиди. У байтлардан бири:

Он худойки, холиқи башараст,
Қўқи Қоф аз нахуд каттатараст.
Дар Самарқанд гурба ях нахурад,
Дар Бухоро хурус мурғи параст.

Мазмуни:

У тангрики бандаларни яратган холиқдир,
Қоф тоғи пўхатдан каттароқдир.
Самарқандда мушук муз емайди,
Бухорода бўлса хўроз эркак товукдир.

МАЖРУҲ ВА САЛОҲИЙ ҲАЖВИ

Маълумки, баҳс-мунозара, мусоҳаба руҳи, тафаккур «жанги» классик адабиётимизнинг доимо барҳаёт анъаналаридан. Эътиборингизга ҳавола этилаётган «Мажруҳ ва Салоҳий ҳажви» ҳам ана шу анъана намунаси. Бу ҳажвда икки шоир бир-бирини чандиш, ўзларидаги жисмоний қусурларни кулги қилиш орқали замоналаридан аччиқ куладилар. Асарни ўқир экансиз, асримиз бошларидаги меҳнаткаш омманинг ночор аҳволини, ҳуқуқсизлигини аниқ ҳис этасиз, шу билан бирга, халқимизнинг ҳар қандай қийинчиликини ҳам ҳазил-мутойиба билан енгиб келганига тан берасиз.

Мен бу ҳажв муаллифларидан бири — шоир Мажруҳни шахсан билар эдим. Ҳали мактабга ҳам бормаган ёш болалик вақтимда — 1897—1898 йиллар бўлса керак — ҳовлимиз Қўқон шаҳрининг Марғилон даҳаси, ҳозирги Дегрезлик маҳалласида бўлиб, ўша замонда Мулла Носир маҳалла деб аталар эди. Ҳовлимиз олдидан катта куча ўтар, кучанинг ғарбида Дегрезлик сойи оқарди. Дарвозамиз рўпарасида эса кўприк бўлиб, ундан бозорга пиёда ўтилар эди. Манч шу кўприкнинг кун ботиш тарафида Усмон баққол деганининг ҳовлиси ва заҳ дўкончага ўрта бўйли, ранги заҳил, бурни пучуқроқ киши

келиб истиқомат қила бошлади. Қўйлак-иштонни, яктаги ва белбоғи, бошидаги салласи — ҳаммаси кук бўздан, оёғидаги этиги сағри эди. У киши супурги боғлаб сотарди. Ишлаб ўтирса ҳам, юрса ҳам лаби ҳамиша пичирлаб турарди. Мен амакимдан сўраганимда: «Бу одам шоир Мажруҳ, оти Умаршоҳ, дуруст одамнинг фарзанди-ю, ўзи шунақа бўлиб қолган», деган эди. Шоир Мажруҳ ўша жойда кўп эмас, чамамда бир йилча яшадди, холос. Кейин кўринмай қолди.

Бу ҳажвнинг 1905 йилдан сўнг ёзилганлиги тахмин қилинади. Ҳажвдаги сўзлардан, юқорида айтганимиздек, Мажруҳнинг оти Умар, асли қўқонлик эканлиги, қашшоқлик билан мадраса ҳужрасида ҳаёт кечирганлиги маълум бўлади. Шоир Салоҳиддин бўлса савдо иши билан шуғулланган эса-да, дўконидаги моллар бир пулдорга тегишли бўлиб, қарздор яшаган. Туғилган жойи Тўрақўрғон, бир кўзи гилай экан.

«Мажруҳ ва Салоҳий ҳажви»ни биз марғилонлик олим, фозил ва табъи назми бор, марҳум Аҳмаджон ака Мадбобоевнинг шахсий архивидан топдик.

Мажруҳ:

Номини сўрса ҳар ким Мажруҳи бенавоини[нг]
Маснаднишини дуввум, жаннат макони соний⁴².

Салоҳий:

Маснаднишини ҳам эрмас, жаннат макон қаёнда,
Умрида кўргани йўқ бир эски бурени.

Мажруҳ:

Аҳли замон демишлар: «Яхши нафас — ярим мол»,
Беақл, пасти фитрат⁴³ фаҳмига етмас они[нг]...

Салоҳий:

Маснад деган бўлур тахт, ўлтурғай анда шоҳлар,
Маснадга номуносиб иддиноси гадони[нг].

⁴² *Маснаднишини* — халифа Умар; жаннатмакон амвр Умархон. Шоир ўзининг шундай машҳур зотларга номдош эканини киноя билан писанда қилади.

⁴³ *Пасти фитрат* -- зоти паст.

Мажруҳ:

... Ҳажв айласанг мени сен беважҳ, бежарима,
Ҳажвингга тўлдуройин дунёин бевафони.

Салоҳий:

Ҳажв айлаган эмасдим, эрди сенга насихат,
Бефаҳм сендурусан, ҳажви билибсан они.

Мажруҳ:

Айтай, Салоҳий, сенга бу арз муддаони,
Ҳажв айласа сени ким, ҳажв айлагил сен они.
Текканга тегу, отма кесакни тегмаганга,
Кўп ҳам ҳаддингдан ошма, бошлаб бу можарони.
Ҳар ерда бўлса аҳвал⁴⁴ ул бирни икки кўргай,
Лекин кўриб бу аҳвол яқбора «тўрт» дер они.
Хуфтонга чиқиб аҳвал, масжидни ул тополмай,
Ҳар бир қадамда тўхтаб, йўқлаб қолур асонн...

Салоҳий:

Мажҳул⁴⁵ сен насабда, мен фавқман ҳасабда⁴⁶,
Мендин бўлак кишига қилғил бу иддаони.

Мажруҳ:

Мажҳул дерсан алқол, зотимни хўб билурсан.
Мавлон шаҳри Хўқанд, устози Марғилоний.
Фаҳр айлагай ўзига: «Дастурхончи зотим»,
Ким дастурхонни пойлар: «борму, деб устихони!»
Нодонлигингга шоҳид булду, сени[нг] ҳамоқат,
Дойм насабни дерсан, бўлғай тамом фоний...
Омийи харишдурсан рафти суҳанни билмай⁴⁷,
Бошингга ёғдурусан сўзлаб неча балони.

Салоҳий:

Кўкнорихоналарда кўп ястаниб биродар,
Бўлғон экан вужудинг маҳзи пичингни[нг] кони.
Тўқсонни[нг] чилласи ҳам сендан ситорай гарм⁴⁸,
Кўрганда: «Алҳазар!» дер саҳрони[нг] ҳам йилони.

Мажруҳ:

Мавлуди Тўрақўрғон ҳам тобеи Наманган,
Гар буйла ҳақ демасди лаклакни: «Кўр, худони».

⁴⁴ Аҳвал — ғилай.

⁴⁵ Мажҳул — номаълум.

⁴⁶ Фавқман ҳасибда — мартабам баланд, деган маънода.

⁴⁷ Рафти суҳанни — сўзнинг йуналиши.

⁴⁸ Ситорай гарм — юлдузи иссиқ.

Салоҳий:

Сурдим жувозкашдин: «Тумшуғи нега йўқ!» деб,
Айдики: «От босибон, сиидирди ёғчавони».

Мажруҳ:

Сурмоқ жувозкашдин ҳожат эрмас биродар,
Кўр отни қўшмагунча мазмуни йўқ чавони[нг].

Салоҳий:

«Бек» ҳарфи нуқтасини бир ерга айласанг жам,
Тасвири «сак» кўрунгай гар айласам баёни

Мажруҳ:

Тажниси⁴⁹ «бек»ни, сиз «сак» дебсизки анда йўқ шак,
Пешана нени кўрсун, кўз бўлса кўргай они!

Салоҳий:

Тажниси «бек» «банг»дур, тажниси «бегн» «банги»,
Бангим демай, бегим дер, келганда бир замони.

Мажруҳ:

Бек бирла сакни[нг] фарқи кўк бирла ерча бордир,
Айтган билан бўлурму, йўқ сопи ушлагони.

Салоҳий:

Қайроқни[нг] вақти бўлди, буғдойга ҳам газал қуй,
Буғдойни бермаса ҳам, эшакка бас сомони.
Ҳар кимни[нг] мадҳин айлаб қилгунча сен гадолиғ,
Йўл узра тур, талаб қил, бўйнунигга сол ридони...

Мажруҳ:

Ҳар кимни мақтамоқлик йўқ эрди хотиримда,
Қўйган эмас замони ҳужрамда ухлагони,
Қал Қўзи номли миршаб, улгунча бизни истаб,
«Тез юр», дебон у қистаб, қўйган эмас замони.
Юз шўру можарони, бир маҳзи рўдапони,
Бошлаб келиб бошимга ҳам Умари Қарони,
Номниг Салоҳиддиндур, суллоҳ ҳажв бўлма,
Ҳар кун китоб ўқурсан, кўрмас кўзинг хатони.

⁴⁹ Тажнис — шаклдош.

Салоҳий:

Ярманка кўчасида бир неча бор кўрдум,
Сўрсам: «На ишда!» айтур: «Ҳокимни[нг] ҳукбони».

Мажруҳ:

Тўртинчи Хожа букри, қилган ғизоси чукри⁵⁰,
Қилсун худога шукри, то танда бор жони.

Салоҳий:

Тунгони кашф янглиғ оғзи лаби баробар,
Кийгони ор айлар, том узра ташлагони.

Мажруҳ:

Эски кафшни артиб, мақтаб нодонга сотиб,
Буйи уриб қолибдур кир эски пайтавони[нг].

Салоҳий:

Қайси қўпол ясабдир бу хуштаки пачақни,
Дам берганида бергай «пинг-пинг» қилиб садони.

Мажруҳ:

«Қайси кулоли аҳмақ, билмам, ясабди», дебдур,
Азрўй шаръ бўлғой оғзига урса они[нг]

Салоҳий:

Тупроқ ялаб ётгунча мадрасада ўлгундек,
Мендек келиб бозорда касб айлагил ҳавони⁵¹.
Жумла ёмон ёмони — бекасб, беҳунарлик.
Бекор юрганча ўлғони хўб гадони[нг]

Мажруҳ:

Кўрдик, ҳунарни[нг] фарзин, қилғонни[нг] қанча қарзин,
Хар кимга айтиб арзин, қолғон очиқ жавони.
Қилгин тараққий ҳоли, бой айлаган хаёли,
Дўкон бировни[нг] моли, беҳуда пойлагони.
Душанба кун дўкондор, олдиға келса нулдор,
Аҳволидин хабардор, ҳолиға йиғлар они[нг]
Елғонни сўзламакдин икки тарафга боқиб,
Ҳалқум қуриб ичолмай қолгай у чою нони.

⁵⁰ Чукри — ейиладиган илдиз.

⁵¹ Касби ҳаво — очик ҳавода сайр этмоқ.

Беқарзлик биродар монанд подшоҳлик,
Албатта хотири жам ҳар ерга борса они[нг]
Қарздордин биродар қашшоқлик анча яхши,
Пулдор қўймагай ҳеч ўтингни олмагани.
Аввал ўзингга бир боқ, сенким бировга кулмоқ,
Ҳеч борму сенча ўртоқ, аҳмоқни[нг] каттақони!

Салоҳий:

...Бир неча ҳажв бирлан тек турмасанг пучуқ сен,
Бордур мунигдин ортиқ, бил, ҳажвни[нг] йўғони.
Эй бағи хўб топибсан синган пачоқ чилимни,
Латта ўраб тузатган бу эски сархонони.
Синган пачақ кураксан, отхонага керақдур,
Отхона тоза айлаб, ахлатни тошиғони.
Сопқон отарни билмай, беҳуда сен қуруқчи,
Тегиб ўзингга қолди бурнинг пачақ бўлғони.

Мажруҳ:

Сопқон отарни[нг] ҳарчанд олғон билан ҳавосин,
Эй аҳмақ повилғоний⁵², кўз қайда кўзлагони!
Кўб муддаилик айлаб, ҳар ким билан уришма,
Монанди созивори⁵³, товуқни[нг] мокиёни!
Мажруҳ бир мусофир, қўйғил бу ерда юрсун,
Баднусхаликда танҳо, одамни[нг] сен ёмони!

Нодир қўлёзма асарларни варақлаб, классик адабиёт намояндаларининг оҳанграбодек ўзига тортувчи ранг-баранг ва ажойиб сўзларини ўқиганда, одам дунё-дунё завқ олади. Мен ҳам бундан мустасно эмасман. Ўзим олган баҳрага озгина бўлса-да китобхонларимизни шерик қилиш умидида «Ишқ ва Ҳусн» рисоласини форсча-тожикчадан ўзбекчага таржима қилдим. Уни мазкур институтда сақланаётган 8982—1 рақамли «Баёз»дан олдим.

ИШҚ ВА ҲУСН

Ривоят қилишларича, қадим замонларда Ҳусн ва Ишқ деган подшолар бўлган экан. Ҳар иккаласининг ўртасида адоват пайдо бўлибди. Ишқнинг Назар деган айёри бор экан. Ишқ уни жосус тариқасида Ҳусннинг донмий турар жойи — Гулузор шаҳрига юборибди. Ҳусн тахтда ўлтирган экан. Назар шаҳарга кириб жосуслик қилишни ихтиёр этибди. Ҳусннинг Ғамза деган айёри бор

⁵² Повилғон — солдадил.

⁵³ Созивор — хўрознинг бир тури, жуссаси кичик, урушқоқ хўроз.

экан. У Назарнинг жосуслик қилгани келганини пайқаб қолибди. Ғамза Назарни дарҳол тутиб, Ҳусннинг ҳузурига олиб келибди. Ҳусн уни бандга олишни буюрибди. Назарни бандга олибдилар. Орадан анча вақт ўтибди. Ишқ қараса, Назардан дарак йўқ. Ишқнинг Дил деган соҳиб ихтиёри бор экан. У бетоқат бўлиб Ишққа: «Эй, подшоҳи олам, менга рухсат беринг, бориб Назардан хабар олиб келай», дебди. Дил қанча вақт сафар машаққатларини тортиб, охири Гулузор шаҳрига кириб борибди. У шаҳарга кириши биланоқ Ҳусннинг Ғамза, Қомат, Ноз, Карашма, Зулф деган айёрлари шаҳар ичида эканлар. Кўрибдиларки, Ишқнинг вазири Дил бу ерга Назарнинг дарагини билмоқ учун келибди. Улар Дилни дарҳол бандга олиб, Ҳусн ҳузурига келтирибдилар. Ҳусннинг фармони билан Дилни Ҳижрон тоғидаги Фирок деб аталувчи зиндонга элтиб қамабдилар. Бу хабар подшоҳи Ишққа етиб борибди. Бечора Ишқ бетоқат ва беором бўлиб, ўзининг соҳиб вакиллари билан Ақл ва Сабр номли вазирларини чақиртирибди. Улар келиб: «Эй, подшоҳи олам, нима воқеа юз бердики, бизларни чақиртирдигиз?», дебдилар. Ишқ йиғлаб дебдики: «Ҳусннинг айёрлари менинг Назарим ва Дилиمنى банд қилиб олдилар. Энди сизлар нима маслаҳат берасизлар?». Улар дебдилар: «Тадбир шуки, биз Ҳусннинг шаҳрига борамиз. Ҳусннинг Ҳижрондан кейинги Висол ва Хаёл номли соҳиб ихтиёрлари бор, биз ҳар икковини қўлга оламиз. Ҳижрон орқали уларни йўқотамиз». Бу сўзни Сабр қабул қилмабди. У айтибдики: «Ҳозиргача дўст бўлиб келаётган икки подшо ўртасида адоват авж олади. Шоядки, Ҳусн ўтмишдаги дўстликнинг мулоҳазасини қилса. Агар шундай қилмаган тақдирда, уруш муқаррар», дебди. Ақлга навбат келганда, у туриб: «Тўғри айтасизлару, бироқ Ҳусннинг олдида шундай кишилар борки, улар кўз қарашларининг заҳри билан мағрурдирлар. Назар билан Дилни осонлик билан бермаслар. Тадбир шуки, аскар тўплайлик. Ҳусн бўлса вилоятда хотиржам ўлтирибди, унинг соҳиб вакиллари ни қўлга оламиз, кейин Назар билан Дилни талаб қиламиз», деганда барчалари: «Жуда яхши маслаҳат», дебдилар. Шундай қарорга келингач, Ҳиммат ва Ақл икковлари Гулузор вилоятига жўнабдилар. Қанча вақт йўлнинг ранж ва уқубатларини тортиб, охири ўша мамлакатга етибдилар. Ҳусннинг Ноз ва Қомат номли нав-

карларини олиб, Ишқнинг олдига олиб келибдилар. Бечора Ишқ бағоят хурсандлик билан «зора Назар ва Дилни бўшатса», деган умидда ҳар соат ва ҳатто ҳар дақиқада Қомат билан Нозга эгилиб, таъзим ва тавозелар қилибди. Аммо Хуснга қарашли Фитна деган кимса бор экан. У Хуснга: «Мен сизларнинг ҳар икковларингизни яраштираман», дебди. Хусн эса: «Жуда яхши айтдинг», дебди. Фитна Назар билан Дилни ўзи билан бирга олиб, элчи бўлиб Ишқ олдига келибди. Ишқ ҳузурда ҳозир бўлиб: «Эй подшоҳи олам, подшоҳи Хусн мени элчи қилиб, мен билан Назар ва Дилни сизга юборди, энди сиз Назар билан Дилни олиб, улар эвазига ушлаб турганингиз Ноз ва Қоматни менга беринг, мен Хуснга элтиб берай, токи ҳар икки подшоҳ ўрталарингизда низо ўти алангаланмасин», дебди. Подшоҳи Ишқ эса: «Мен Ноз билан Қоматни ҳеч қачон қўлдан чиқармайман ва қайтариб бермайман, сенга ижозат, кетавер», дебди. Фитна кетгандан сўнг Ишқ бир тадбир топиш учун ўз вазирларини чақириб, дебдики: «Хусн қудрати билан мағрур. У бизнинг мамлакатимизга бостириб келмасдан туриб, олдини олиш учун бир чора излашимиз керак». Анча музокара ва муҳокамадан сўнг шу қарорга келибдиларки, лашкар тўплаб Хусн мамлакати томон юрадиган бўлибдилар. Лашкар тўплаб, юриш қилиб Хусн вилоятининг бир чеккасига бориб қўнибдилар. Ишқ Ақл билан Дилни элчи қилиб, Хусннинг олдига юборибди. Иккови подшоҳи Хусн олдига бориб шундай дебдилар: «Подшоҳимиз Ишқ айтадиларки, агар подшоҳи Хусн менга итбат қилса, мен унинг бандасиман. Борди-ю йўқ дер эканлар, урушадиган жойларини кўрсатсинлар». Хусн ўз вакилларини тўплаб: «Сизлар бунга нима маслаҳат берасизлар ва қандай тадбирни лозим кўрасизлар?», дебди. Улар бир оғиздан: «энг яхши маслаҳат шуки, вақтни ғанимат тутиб, Ишқ билан ярашинг. Чунки, Офат деган подшо бор, у яқин ўртада лашкар тўплаб келиб, Хусн шаҳрини талаб, хароб қилиши турган гап. Яхшиси шуки, Ишқ билан ярашинг ва унинг Дилини қўлга олишингиз керак», дебдилар. Хусн подшоҳи Офатнинг даррагини эшитганда аъзойи бадани ларзага келибди. Тожини бошидан олиб, ерга урибди ва Ишқ подшоҳи билан ярашибди.

Кошки, ҳамма соф Ишққа ҳам Хусн муте бўлса.

ДИЛ ВА ХУСН ИШҚИ

Фарзанд афроди башардан падар ила раҳми модардан вужуд маҳди (бешик)га қадам қўйиб ва ётоғига келиб, хилқат ва фитрат улосидан сўнг, замон келиши билан бирон касбга қасду ихтиёр қилиши ҳақлик ва ботилликларга эътиқод, яхши ва ёмон амалларнинг ҳар бирини қабул ва раддига омода бўлиб, малакоти фозила (саҳоват, шижоат, иффат ва адолат)га мойилу, бузуқ ахлоқлардан ҳоли ва булардан ҳар бирига қобилият ва истеъдод ила муттасифдир.

Демак, инсонда руҳ, дил, ақл, нафс, хусн, ишқ, муҳаббат, номус, шафқат ва шуларга ўхшаш ботиний ва зоҳирий хислатлар бўлиб, буларнинг ҳар бирини ўзига хос вазифалари бўлган. Масалан, хуснда ноз, карашма, ишва, дийдор, нигоҳ, рақиб, фироқ ва бошқа сифатлар бор.

Муҳтарам китобхон! Бизнинг мақсадимиз инсоннинг пайдо бўлиши ва унинг қилмиш ва қидирмишлари борасида бир нарса ёзиш эмас, балки илмий ишимиз, тарихгўйликка оид материал нстаб Ўзбекистон ССР Фанлар академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институтининг китоб фондидан 2900 рақамли «Мажмуа» номланган бир қўлёзма асарни олганимизда «Рисола-йи руҳия» номли бир ёзишмага кўзимиз тушди. Унда инсонга хос руҳ, дил, ақл, нафс ва бошқа хислатларнинг ҳар бирини сифат ва вазифалари нимадан иборат эканини аниқловчи фалсафий бир ҳикоя келтирилган. Бу ҳикояни биз китобхонларимиз билан баҳам кўришни лозим топдик ва унинг мана бу айнан таржимасини китобхонларимизнинг эътиборларига ҳавола қилдимиз. «Азал меъмори дунё вужуди иморатини бунёд этиб, инсон камолати сирини билиб, одам қолибини (вужудини) муҳайё қилгандан сўнг, руҳга қолибнинг кулбасига киришга амр этилди. Уша маҳалда Руҳ мозий ва истиқболдан тамомила хабардор эди. Дунё вужудининг муомаласи ва одам қолиби унинг назарида жуда ҳам хунук кўринди. Ҳамма важҳдан ҳам танқид ва танзил қилиб (паст туриб), қолибга киришга ихмол (тарк)қилишни айтиб розилик бермади. Охири «сени кулбадан қайта чиқариб оламиз» ваъдасини берганларидан сўнг Руҳ амр бандаси ва оқибати кордан воқиф эди, ҳукмдан бош торта олмай, ноилож қолибга кириб,

вужуд мамлакатини томоша қила бошлади. Кўрдикки, Нафс номлик бир шахс ҳам бу диёр ичида бир гўшада (бурчакда) пошоҳликда барқарор бўлиб ўлтириб эди. Руҳнинг мулозаматида Ақл, Идрок, Фаҳм ва бошқа бирмунча хизматкорлари бўлиб, қолибга кирган вақтда улар ҳам у билан бирга кирган эдилар. Руҳ сўради: «бу ким?» Улар: «бу Нафс. У ҳам шу ўлкага таъйинланган. Унинг бошида ҳам салтанат хаёли бордир». Руҳ: «бир иқлимга икки подшоҳ мумкин эмаску!». Улар дедилар: «Сиз ўзингиз улур подшоҳсиз. Ҳар кимки, бу диёр аҳли бўлиб келган бўлса, сизнинг амри шарифингизга тобедир. Нафсда сизга адоват қилиш учун ҳеч қандай важҳ йўқдир». Руҳ бу сўзларни хизматкорларидан эшитиб, пок хилқат бўлгани сабабли ўзини мустақил подшоҳ деб ҳисоблаб, Нафсга боқмади, назарига ҳам илмади ва унга ёмонлик қилишни ҳам хотирига келтирмади. Халофат саририда (тахтида) қарор топиб, вужуддаги халқ аҳволини мушоҳада қила берди. Нафс эса «менинг адоватим унинг хотиридан чиқиб кетибди», деб билди. «Руҳ олийшон подшоҳ экан ва соҳиби тadbир хизматкорлар у билан ҳамроҳ эканлар, бас мен унга баробар келолмайман. Маслаҳат шуки, мен ўзини унинг хизматкорлари жумласидан бири эканимни назарида кўрсатишим ва мунтазири вақт бўлиб туришим, вақти келганда уни оёғдан қолдиришим керак». Нафс Руҳнинг олийшон остонасига келиб ажзу ниёз юзасидан унинг илкини ўпиб сипосу ситоншлар айтди. Руҳ эса унинг бу хизматкорлик тариқини кўриб, хотирида «биз ғалат қилиб уни ўз дилимизга йўл бермаган эканмиз, Нафс яхши хизматкор экан, унга албатта биронта хизмат ҳавола қилиш керак экан», деб уни шаҳар кутволи мансабига тайинлади ва ўзининг хос хизматкорлари «Хавоси Хамса» (кўрмоқ, эшитмоқ, тўтмоқ, ис билмоқ ва тутмоқ)ни Нафснинг ихтиёрига топширди. Ўзи айш ёстуғида қарор топиб, Ишқ соқийси кўлидан завқи май соғарини нуш қила бошлади. Нафс эса шаҳар атрофини [ҳимоя қилишни] беш туйғуга топшириб, ўзи ҳамиша Руҳ хизматида ҳозир эди.

Нафс — ринд, файласуф эди. У фурсат келишига мунтазир бўлиб, Руҳнинг истаги ва ризомандлигини олишни хотирига келтириб, Руҳ нима буюрса, бекаму кўст ўрнига келтирарди. Уни аз тахти дил қилган хизматларидан [охирини] Руҳ дилидан бир навъ ихлос жой

олиб, Руҳ унга тобе бўлиб, у қаёққа бошласа борадиган бўлди. Бир кун Нафс Руҳ мулозиматида бўлиб, ҳар жонибдан сўзлаб ўлтирган эди. Руҳ ундан «Сен оламининг барча бурчакларида юриб, турли-туман яхши ва ёмонликларни кўриб, мулоҳаза қилгансан; алҳол менинг ягона ўғлим Дилдир. Унга менинг меҳру муҳаббатим зўр. Кўраманки, у ҳамма вақт паришон юради. Сен бир иш қилгинки, ундан Дил тасалли топсин ва у билан Дил ҳам доирасидан чиқиб олсин, нима дединг?» Нафс: «бунга анча бўлди, бир нарсани кўрганман ва учрашганман ҳам. Ҳақиқат ҳолини салтанат ва халофат тахтига арз қилишни истайман. Аммо икки нарсанинг мулоҳазасига бориб, бу сўзни изҳор қилгани тортинаман. Бирни подшоҳнинг дилларига яқинлик ҳосил қилмасдан туриб, бир гап айтиш камоли беадабликдир. Иккинчиси, мабодо арзим ижобат шарафига яқинлашмаса, у ҳолда шарафли кишиларнинг хотирига малол келишига сабаб бўлади. Алҳолки, ҳазрат ўзлари бу водийга келиб, бу маънини менадан сўраганликлари мени бениҳоят завқлантирди. Энди бу сирни очишга журъат этсам бўлади». Руҳ: «гапир!» Нафс: «Саломат бўлсинлар! Бир вақт сайёҳлик либосини кийиб, олам бўйлаб сайр этмоқда эдим. Ногоҳ бир шаҳарга етдимки, у ниҳоятда латиф ва табиатлик эди. Бу шаҳарнинг номи нима? Ва бу мақомнинг ҳокими ким? Саволимга бу шаҳарни Чашм ва ҳокимини Дедор дедилар. Дедорни кўриш менга завқ берар деб қароргоҳга бордим. Дедор билан учрашдим. Дедор хуш хулқ ва яхши зот экан. Дедор мусофирпарвар экан, ўз хонасидан менга жой кўрсатди. Мен ўлтирган эдим, ногоҳ қизи Ҳусн ўз хонасидан чиқиб, менинг жонибимга қаради. Унинг бир боқишидан мен ўзимни йўқотиб, ихтиёрим жиловини қўлдан бой беришимга сал қолди. Менинг аҳволим шу даражага етдики, девона бўлиб, унинг хонаси атрофида гирд-гирд айлана бошладим. Мусофир эмасманми, мабодо сирим фош бўлиб қолса, озор бермасинлар, деган мулоҳаза билан у ердан қайтиб келиб, ўшандан бери ҳазратларининг хизматларида бандалик қилмоқдаман. Агар ҳазратнинг ҳукмлари бўлса, мен ҳукмга мувофиқ уни мулозаматларига келтираман». Руҳ: «яхши бўларди». Нафснинг кўз-қулоқ бўлиб турган, ниҳоятда чаққон, тез рав ва айёр Назар исмли чопари бор эди. Унга «сен Дедорнинг шаҳрига бориб, биздан салом айт ва дегин-

ки, Хусннинг ҳақиқий аҳволи подшоҳ қулоқларига етибди. Уни кўришга рағбатлари ортиб, уни талаб қиляптилар. Уғуллари Дилга Хуснни беришингизни истайдилар, дегин!». Назар Дедор ҳузурига бориб, бу аҳвол суратини баён қилди. Дедор бу маънни эшитиб таъсирланди ва алам қилгандай бўлди. «Тўғри, қизим бор», деди. Сунгра подшоҳнинг ўғли бўлиб, унга хотинликка сўраб, завжи келганини қизига билдирди. Подшоҳнинг риюси мулоҳазасида қизи Хуснга боришга кўнса экан [деб уйлаб қолди]. Хусн бу сўзни эшитиб ҳаяжонланди ва отасига айтдики, «Сен менинг отамсан. Одоб юзасидан сенга густоҳлиқ қилолмайман. Аммо ажаб содда лавҳки, бу водийдан ҳеч хабаринг йўқ экан. Мен у кишилардан эмасманки, чопарнинг андак ишорати билан кетсам. Мен кўча бошида эмасманки, турсам кетаверсам. Менинг учун чопар кетма-кет келиши, борди-келдидан аёқлари ҳаракатдан қолмагунча, мени боришим қандай бўлади? Бунда иззат, ҳурмат ошади ва толибда шавқу-завқ галиб бўлади. Эшитмаганмисан, байт:

Нарҳи ҳар матойинки фаровон бувад
Гар бамисли жон бувад, арзон бувад.

Мазмуни:

Ҳар нарсани фаровон бўлса,
Мисли жон бўлса да арзон бўлади.

Сен ҳозир боргинда, узр айтиб, Хусн балогатга еткан, қиз менинг сўзимга кирмайди, ихтиёр ўз қўлида, дегин. «Дедор бу сўз, муқаддимани қизидан эшитиб, нойлож Назар олдига бориб, аҳволни маълум қилди. Назар Дедор тилидан эшитган сўзни Шоҳ қулоғига етказди. Подшоҳ бу муомаладан ваҳшатга келиб, «мен етти иқлимнинг подшоҳиман, ҳеч кимса менинг ҳукмидан бош товлашга ҳақи йўқ. Хусн ким бўлдию, менинг ҳукмимга бўйсунмас экан. Дарвозабони Ваҳмга «Вазирим Ақлга бориб, айт, отланиб Нафсга ҳам бизни отланганимиз хабарини берсин». Нафс шундай вақтга мунтазир эди, бу хабарни эшитган ҳамона отланиб, подшоҳ билан Чашм шаҳрига яқин келиб, айёр чопари Идрокни шаҳар томон юбордилар. У шаҳар атрофидаги шаҳар билан савдо муносабатида бўладиган ҳамсоғлардан Хусн қаерда ва унинг хизматида кимлар бўлишини сўради. Улар «Хусн минг қат парда ичида пинҳон бир қиз. Унинг борасида бирор сўз қотишга бирор ким-

са қодир эмас. Сафо деган боғи бор, уша боғда нозу карашма, ишва, истиғнолик канизақлари билан ўйнаб-кулиб юрибди. Боғининг ташқарисида Рақиб деган ити бор, ҳамма вақт вовуллаб жондор жинсини боғ яқинига йўлатмайди. Ва Фироқ деган бир паҳлавони ҳам борки, баҳодирлик маснадида ўлтирган, Қўҳи пайкар шерлар панжасини эзиб ташлайди. Ва Ҳусн пайваста мижгон ўқини абру камонига қўйиб, гамзадалар умид қушларини таманно ҳавасидан уриб туширади. Донайи ҳолини эса зулфи домига ташлаб, дилдодаларининг орзу қушларини зақан (икки чакка) қафасига ташлайди». Идрок бу гапларни эшитиб, шоҳ мулозаматига келиб, ҳақиқати ҳол, воқеа нимага қарор топганини арз қилди. Подшоҳ Ақлдан нима қилиш кераклигини сўради. **Ақл** «мен вазир киши, менинг сўзим хотири олийларига туғри келмаса, ўртада сарзаниш ва хитоб мулоҳазаси ҳам бор»,— деди. Шоҳ: «хоҳ муддаога мувофиқ бўлсин, хоҳ бўлмасин, бари бир айт»,— деди. Ақл подшоҳ тарафидан рухсат бўлгандан сўнг, ер ўпиб арзга етказди: «Аввало саломат бўлсинлар! Иккинчидан, Дедор нима деган одамки, подшоҳ унинг тахтгоҳига аскар тираб турсалар. У қизи Ҳуснни юборишга рози, аммо қизи канизақларидан маслаҳат сўраган. Маълум бўлдики, канизаги Ноз унга келишга рухсат бермабди. Бас, у вақтда қусур Ноз тарафидан содир бўлибди. Азамат бир подшоҳ шу қадар буюкликлари билан бир канизақ устига лашкар тортишлари улуғликдан бўлмаса керак. Бу ишга Нознинг киришганлигини ҳам сабаби бор, чунки бу ҳаракатдан кўп шавқ ва ҳисобсиз талаб қўлга киради. Унда Ширин ва лазиз ҳам бўлади. Энди давлатга муносиби шуки, подшоҳ ҳазратлари бу ердан ўз юртларига қайтсалар ва халофат тахтида қарор топсалар. Назар ва Идрокнинг, яъни бу икки хизматкорнинг бу ерда бўлиши кифоя бўлар, [улар] ҳаминша Ҳусн тарафига борди-келди қилиб, ҳазратнинг совғаларини етказиб турсалар, ишшоолло яқин ўртада Ҳусннинг ўзи итоат риштасини бўйнига солиб, мулозаматларига келиб қолса ажаб эмас». Ақлнинг бу сўзлари подшоҳнинг таъбига писанд бўлиб, у ердан кўчиб ўз юртига келиб, бу хизматни Ақлга ҳавола қилди. Ақл Назар ва Идрокка янги саруполар бағишлаб уларни [яна] Чашм шаҳри томон Дедор ҳузурига юборди. Улар бориб Рўҳнинг аҳволи ва Дилнинг шавқини изҳор қилдилар. Дедор бу ҳолни Ҳуснга

билдирди. Ҳусн эса ҳамиша нозу карашма билан мажлис қуради. Бир куни Ҳусн «бундан ортиқ меҳнатга қолдириш яхши эмас, кадхудолик учун келишларига рухсат берайлик», деди. Ғамза: «биз Дилни кўрганимиз йўқ, бир кўрганимизда яхши бўларди. Иш ўткандан кейин афсусланишдан фойда йўқ. Ҳусн канизаги Нигоҳига ҳеч қачон лутф кўрсатмаган, бир чеккада қолиб кетган эди. Нигоҳ айёр ва тез юрувчидир. Ушани юбориш керак. У албатта тезда бориб аҳволни воқелигича билиб келади»,— деди. Нигоҳнинг бориши Ҳуснга жуда ҳам маъқул тушди. Нигоҳни ҳузурига чақириб, «сен бориб Дил аҳволини билиб кел», деди. Нигоҳ амрга мувофиқ Дил томон бориб у билан учрашди ва Дил юзининг шайдоси бўлди. Нигоҳ ҳам чиройли эди, Дил унга бир қарашда ўзини бой бераёзди ва кайфияти ҳолини сўради. Нигоҳ унинг юзи фирифтаси бўлган эмасми? Сирни яширишга тоб келтира олмай Ҳусн аҳволи қандай бўлса, ҳаммасини айтиб берди. Дил бу хабардан ғоятда шоду хурсанд бўлиб, сен ким ва Ҳусннинг қадду-камолати ва васфлари қандай, деб сўради. Нигоҳ: «мен Ҳусннинг бир канизагиман, Ҳусн менинг соҳибимдир. Тафовут бу билангина эмас, байт:

Ишқбозон чу жамолаш нигоранд,
Манки бошамки, маро ном баранд.
У чу хуршиди фалак ман моҳам,
Ман камин бандайн, у шоҳам.

Мазмуни:

Ишқибозлар унинг жамолига қарарканлар,
Мен кимманки менинг номимни тилларига олсалар.
У фалак қуёши бўлса, мен ойн,
У менинг шоҳим, мен эса унинг камтарин бандаси.

Бу сўзларни эшитган Дил жуда ҳам шодмон бўлди. Сўнг Нигоҳга рухсат бериб, ўзи Ҳусн фироқида дармондан қолди ва Ҳусн шавқида шундай изтироб чекдики, ҳамма ишлардан ўзини фориг қилиб, бир гушадан жой олиб, ўзини мана бу рубой билан машғул этди.

Рубой:

Эй ёди туам силсила жунбони жунун,
Дур аз ту ва базми ту бе ту чунам чун.
Чун шам зи-сар то бадоман дар ашк,
Чун сурохи зи-ашқ то багарданпур хун.

Мазмуни:

Жунун занжирида тобланганм тобланган.
Сендан ва базмингдап узоқлашдим,
Айтчи, мен нима эдим—нима бўлдим.
Шамъ каби бошдан-оёқ кўз ёши,
Кўз ёшдан, қадаҳ каби то лабигача тўла қон.

Қитъа:

Шабҳо манаму яки чароғи,
Ҳамдам шуда то барузам.
Гоҳи бикашам ба оҳи суруш,
Гаҳ аз тафти сена бар фурузам.

Мазмуни:

Кечалари бир ману, бир чирог,
Ҳамдам бўлиб то эртагача,
Гоҳи ўтли оҳ чекаману,
Гоҳ юрак тафтидан ёнаман.

Бир неча кунларни мана шу тарзда кечирди. Охири Беҳаё ва Беадаб деган хўжалик бошлиқларини Ақл олдига юбориб, «мени Ҳусн шавқи ва унинг фироғида хароб бўлганимни унга айтинглар! У подшоҳ ҳазратларига менинг аҳволимни билдириб, бирор чорасини кўришмаса, мени қўлдан кетди дея берсинлар». Ақл бу аҳволни шоҳга маълум қилди. Подшоҳ: «Унинг дилни кўтаринглар! Тез кунларда иш битиб қолади, деб уни хотиржам қилинг»,— деди. Дилга тасалли бермоқ учун Ақл ўзининг биродари Номусни Дилга дилдорлик қилиш учун юборди. Номус Дил ҳузурига келиб, ваъз-насиҳат қилди. Номус подшоҳнинг вазири Ақлнинг биродари бўлгани сабабли Дил ўзига яқинлаштиради ҳам, узоқлаштиради ҳам ва унинг сўзига қулоқ ҳам солмади. Ишқ унга қаттиқ таъсир қилгани ва насиҳатга қулоқ олмаслигини билган Номус ўз йўлига қайтиб кетди.

Байт:

Ҳарки дар кўйн маломат по ниҳод,
Ном нангу хешро барбод дод.

Мазмуни:

Кимки маломат кўчасига оёқ қўйди,
Ўз ном-наинини барбод қилди.

Дилда ишқ ғалаба қилиб, ночор сабр жомасини йиртиб, ўзини Ҳусн днёри худудига етказиш фикрига тушди. Нафс эса пайт пойлаб турган эди, бу аҳволни биллиб, ғоятда беҳаё ва зинокор биродари Васвосни «сен

қайси йўл билан бўлса ҳам билганингча унинг кўнглини бузгин ва беҳаёликка бошла», деб юборди. Васвос Дил олдига келиб бир қанча ёлғон-яшиқлар билан ўз ихлосини Дил хотирида жой олдириб, уни изтиробга солди ва ҳаяжонлантирди. Дил изтиробни ҳаддан ошиб, Фироқ ўтига бошқа тоқати қолмай, отасининг рухсатидан ташқари, Ҳусн дёри томон йўл олди. Отаси бу воқеани эшитиб парво ҳам қилмади. Дил эса тоғ-тош, дашт-биёбон ва бирмунча паст-баландликларни босиб ўтиб, Чашм шаҳри яқинига бориб тушди. Ўзи билан ҳамроҳ бўлиб келган хизматкорларидан ниҳоятда чаққон, югурдак ва мард бўлган Ҳимматга: «нима қилсак экан, бу ерга келишга келдим, энди бу ердан қайтиш меннинг учун маҳол, бир чорасини топиш лозим бўлади»,— деди. Ҳиммат: «Ҳусннинг Нигоҳ номлик хизматкори хизматингизга келган эди, ушани чақириб, аҳволингизни унга билдиринг»,— деб жавоб қилди. Бу маслаҳат Дилга писанд бўлиб, хизматкори Фаҳми чақириб «Сен доносан ва фаросатинг шундай вақтда иш беради, ўзингни Нигоҳга етказиб биздан салом дегин», деди. Фаҳм шу ондаёқ Нигоҳ қароргоҳига бориб, Дилнинг шавқи ва саргардонлик авзонини билдирди. Нигоҳ ҳақиқатан ҳам Ҳусннинг истигносини биларди, «Дил яхши иш қилмабди, қашшоқ ва қаландар масал бўлиб келибди. Хўжам уни бу аҳволда қабул қилади, ё қилмайди. Келишга келибди, майли, мен бир марта Ҳуснга билдиришим керак», деб ўйлади. Нигоҳ Ҳусн олдига келиб Дилнинг паршонлигини билдирди. Ҳусн буни эшитиши билан газабланиб, ўзини четга олди: «У нега келади, сен зинҳор унга юз кўрсатма ва ўзингга яқинлаштирма, илло сендан ранжийман»,— деди. Нигоҳ: «Мен сизнинг бандангизман»,— деб жавоб қилди. Сўнг Нигоҳ Фаҳмга: «Ҳақиқати ҳол мана бундан иборат; бундан кейин менинг ҳузуримга келма ва бу маънини изҳор ҳам қилма ва Дилга бу хаёлни бошидан чиқариб юборишини айт»,— деди. Дил буни билиб ғамгин, ҳайрон ва маъюс бўлиб, аҳволни Дедорга билдирди. Дедор Ҳусн хизматига бориб, Дил ва барча хизматкорларига ҳам тамом умидсизлик рўй берганини айтканди, Ҳусн унга ҳам эътироз билдирди. Дил маҳзун бўлиб, фироқзадаликдан бир гушада қарор топди. Аммо фироқ ва шавқ Дилга шу қадар қор қилган эдики, бир жойда ўлтиролмай, Ҳусннинг манзари атрофида гирд-гирд айланар ва гоҳи тоғ-

тошларга чиқиб кетар, гоҳида эса Ҳусн риштаси уни шаҳар томон тортарди. Ундаги фироқ муддати чўзилиб кетганидан барча хизматкорлари уни ташлаб, ҳар тарафга тарқалиб кетдилар. Магар иккитаси: Меҳр ва Ҳиммат у билан қолдилар.

Бир куни Меҳр ва Ҳиммат маслаҳатлашиб, «иш шу даражага етди, бир фикр қилайлик, шоядки, бизнинг фикр ва тадбиримиз муқтазосича Дил ўз мақсудига етса, Меҳр агар сен рози бўлсанг мен айёрлик тариқасида ўзимни Ҳусн хизматкорлигига қарор топдираман, шоядки, уни шафқат водисига келтирса». Меҳрнинг бу сўзи Ҳимматга хуш келди. Дилдан рухсат олиб, Ҳусн мулозаматига юзланди. Ҳусн ҳузурига келиб, бандалик пешонасини ерга суриб, сипос ва ситоишлар қилди. Ҳусн кўрдикки, Меҳр жуда ҳам хуш хулқ ва ширин сўз, ажойиб ва гаройиб экан: «Сен кимсан ва қаердан ва нима муносабат билан келдинг?», деб сўради. «Мен Дилнинг хизматкорларидан бириман, ишқ дидоридан бўламан. Мулозаматларидан баҳра олганлар қатори мен ҳам қолган умримни хизматларига сарф қилсам деган умидда бу даргоҳга келдим», деб жавоб қилди. Ҳусн ундан бу сўзларни эшитиб хушвақт бўлиб, менга шундай хизматкор даркор эди деб, уни ўзининг хос хизматкорларидан бири қилиб, хизматида олиб қолди. Ҳар доим соғари муҳаббат майини Меҳр қўлидан ичар эди. Меҳр яхши хизматлари билан Ҳусн дилидан жой олди. Бир куни Ҳусн рухсор гулшанидаги зарнигор суфаси узасида ўлтириб, май пуш қилиб, ҳаво томошасида эди, Дил мажнунвор юз расволиклар билан Ҳусн манзарининг кўчасида турганда ногоҳ Меҳр нигоҳи тушиб қолиб, Ҳуснга «Дил ҳайрон-саргардон, маҳжурлик фироқидан, мажнун ва баттар бўлиб кетибди», деди. Ҳусн қайрилиб Дил томон нигоҳ ташлади. Қараса, пок сират ва пок хилқат, нуроний ва сафо бир покшаҳзода экан. Ҳусн кўриши билан унга меҳр қўйди. Дил эса Ҳусн анворининг мушоҳадасида ўзидан кетди. Ҳуснда ҳам Дилни кўриш завқи пайдо бўлди. Меҳр вақт топиб арзга етказдики, «бу шаҳзода фақат сиз учун салтанат ва подшоҳликни тарк қилиб, биебонларга бош уриб, сизнинг олдингизга келган ва сизнинг меҳрингиз учун иши расволикка айланган. Энди муносиби шулки, сиз унинг аҳволига раҳм қилиб ва уни маҳрум қилмасангиз бўларди». Ҳусн Нигоҳ жонибига қараб, «ҳар қачон Дил ва ё унинг хизматкор-

ларидан сенинг олдинга келсалар, дилхушлик кўрса-тиб, менинг висолимдан умидвор эт!», деди. Нигоҳ хушвақт бўлиб, Дилни таклиф қилиш фикрида бўлди. Нигоҳнинг ўзини кўрсатадиган ниҳоятда мусаффо ва мунаввар, марғуб, айни латофатда бир хонаси бўлиб, у хонани «Айн ал-аном», дер эдилар. Дилни ўша хонага таклиф қилди.

Байт:

Равоқи манзари чашми мэн ошёнэйи туст.
Карам памо-ю фуру воқи хона хонайи туст.

Мазмуни:

Кўзим манзарининг равоқи сенинг ошёнэингдир.
Карам қилу, келки бу хона сенинг хонаингдир.

Дил у жойга келиб, нималарни кўрмади. Бу хонада беҳиштда бор нарсанинг ҳаммаси муҳайё эди. Неча вақт Дил у ерга келиб-кетиб юргани сабабли, Нигоҳ ундан хушвақт бўлиб, Дил аҳволини Ҳуснга билдирди. Ҳусн унинг яхшилиги маълум бўлиб, висолининг муштоқи бўлди. Ҳусн ҳижоб орқали даргоҳ ўртасидаги ўз хонасидан Нигоҳникига Дил билан учрашиш учун келиб-кетиб юрди. Бир неча кун шу тариқа ўтди. Дедор шаҳрида мутаваддин, ғоятда бузуқ ва шўх фитначи бир киши Ҳуснни Дил жонибига борди-келди қилиб юрганини Ҳусннинг отаси Дедорга бориб айтди. Дедор унга «Ҳусн ўз ихтиёрида» деди ва Ҳуснга бир сўз демади. Фитначи шармисор бўлди. Шавқнинг сири шаҳар ичида ҳаммага ошкор бўлган ва иштиёқи жони устидан ҳам ғалаба қилган эди. Ҳусн: «мени эрга беришни отам Дедорга маълум қил, тезда бу ишга киришсин»,— деб буюрди. Нигоҳ бу маънини Дедорга билдирганда, Дедор бунга ризоманд эди, хушвақт бўлди. Мисра: Дар кори хайр ҳожати истиҳора нист (Муҳим хайр ишда фолбинликнинг ҳожати йўқ). Ҳуснга оро бериб ясатиб, асбоби айш, нағмаю, чангу, қонун, ҳаммасини мажлисга ҳозирладилар. Исмат хонасида ҳамма жам бўлиб, неча кун олий тўю томоша қилдилар. Зенатловчилар Ҳусн хизматига келиб, қудурат чиркларини латофат баданидан зиндагонлиқ суви билан ювиб, фоҳира либосларни унга кийинтириб ва ҳамда дилбарликни унинг абрусидан ошкоро қилиб ва ойинадори басорат ва зеблик ойинасини унинг малоҳатли юзи рўбарўсида аён қилди. Ҳусннинг

оройинши камолатига еткандан кейин, комронлик тахтига ўлтириб, офтоб масаллик саодат буржидан жой олди. Башарият номлик хизматчилар Хусн билан Дилни оби раҳмат билан ювинтириб ва барча киру губорлардан ҳоли ва пок қилиб, Дилга йўл бошлаб, тахтга олиб келиб ўтказиб, ўзлари қайтдилар. Дил тахт олдига келиб қуёш юзлига назар солиб, у наззора этган кўз нурининг кўплигидан Дил бойланиб ўзидан кетди. Бир лаҳза шу тарзда ўтди. Хусн изтироб юзидан тахаммул ниқобини олиб, хусусият шишасидан хушёрлик соғарига қуйиб, унга ўз ёнидан жой кўрсатди. Дилга мастлик, бехудлик юз кўрсатиб, инон ва ихтиёрини ўз қўлидан бой бериб, Хусн вужуди гулшанида сайр қила бошлади. Навоз шоҳидан бўса гулини унинг лабидан, мевайи мақсудни рухсора боғидан узиб, тама тишига босди. Хуш нурининг дурини Хусн орзусининг дилига туширди. Хусн ҳам коми дилини ундан ҳосил қилиб, Дил тасарруфига кириб қолди. Бирмунча вақт ўтгандан сўнг, [Дил] Хуснни олиб, ўз вилоятига келди ва Руҳ мулозаматига келиб, унинг тобуғиши ўзининг адаб лабига текизиб, узру тақсирларини ўрнига келтирди. Гарчи Руҳ ундан тамом ранжиган бўлса ҳам, аммо унинг ҳақиқатда бўлган оталик шафқат ва меҳрибонлик патижаси тараҳҳум водийсига келиб, ундан саргузаштларининг ҳақиқатини сўради. Дил ўз можароларини шоҳга баён қилди. Руҳ унинг аҳволини эшитиб ва меҳнату машаққатлар тортганини билиб, Дилни ўзи билан бўлишини талаб қилди ва ўз мажлисининг файзидан баҳраманд этди.

Орадан анчагина вақт ўтиб, Дил Хусндан Хаёл деган ўғил ва Завқ номли қиз кўрди. Ҳар иккаласи ҳам ниҳоятда хушрўй ва ёқимли эдилар. Руҳ уларнинг тузилиш сурати ва яхшиликлари мушоҳадасидан жуда ҳам ҳузур қилиб, ҳамма вақт уларни ўз олдига чақириб, лутфу меҳрибонлик билан уларни тарбия қиларди. Хаёл билан Завқ Руҳ дилидан шу қадар жой олдиларки, Руҳ салтанат ишлари борасида парвосиз ва истиқбол орзусининг томошаси билан бўлиб қолди. Шу аснода Нафс билдики, Руҳ Хаёл билан Завқга берилиб кетиб, салтанат ишларига қарамай қўйди. Нафс Руҳга келиб Хаёл ва Завқ мадҳида сўз очиб, «вужуд оламида Хаёл ва Завқдан бошқа бир нарса йўқ, деди». Руҳ бу муқаддималарни Нафс тилидан эшитиб, улар борасида яна ҳам қизиқиб қолди. Алқисса, Хаёл ва Завқнинг муҳаббатлари Руҳ

дилида ғалаба қилиб, тафаккур дастини халофатнинг муҳим тадбирларидан тортди. Унинг дилида Хаёл билан Завқ муҳаббатидан бошқа ҳеч бир нарса қолмади. Бунинг ҳаммасига боис Нафс эди, чунки Руҳ Нафсни ҳамма хизматкорларидан мумтоз этиб, «сени ҳамма хизмат аҳллари учун соҳиби ихтиёр этдим, халофатнинг тамом муҳим ишларини сенга топширдим, сен салтанат анжоми жиҳатидан кўп ҳам ўзингни қийнамай, нима билан халофат иши яхши бўлса, шунга ҳаракат қилсан», деган эди. Нафс билдики, Хаёл билан Завқнинг муҳаббати Руҳни бутунлай ўзидан бегона қилган, салтанат ишларига эса мутлақо қарамай қўйган. Ҳавоси панжгонларини ҳузурга чақириб, Руҳнинг паришонлигини уларга билдирди. У мардудлар Руҳнинг хос кишиларидан бўлишига қарамай, жуда ҳам хурсанд бўлдилар ва Нафсга дедиларки, «энди иродамиз таскин топди. Вужуд мамлакати энди тамоман сизнинг қўлингиз ва тасарруфингизга ўтди». Нафс уларга: «Сизлар ўша аввалги хизматларингизда, [яъни] вилоят атрофидан хабардор бўлиб туринглар, Руҳ жуда ҳам занф ва ожиз, унинг аскарларида ҳеч қандай қувват қолмаган, сизлар албатта, улардан далirroқ бўлиб, вужуд мамлакати атрофини мустаҳкамлаб, Руҳнинг хизматкорларидан биронтасини ҳам ҳеч маҳал вужуд вилояти маҳаллотларига дахл қилишга қўйманглар». Шундай қилиб, Нафс уларга қувват ва далда берди. «Девонага ҳавас» деганларидек, улар далир бўлиб, Руҳ кишиларини ҳеч бир ишга йўл қўймадилар. Барчалари маъюс бўлиб, бир-бирларидан ажралиб ўзларини четга олдилар. Руҳ хизматкорлари Руҳ атрофидан кетганларидан кейин, Нафс лашкари бебошлик ва бедодликлар курсатди ва ноурин ишлар ва бузуқчиликлар қилди. Ақл Руҳга келиб, жамият барҳам топгани ва Нафснинг вужуд вилоятида қилган ишларини арзга етказди. «Дари ки мизани ва хонаини ки межуйи? Хазор ҳалқа задам бар дари-у на гуфт че каси» (Қимни эшигини қоқасан ва қимни хонасини истайсан? Унинг эшиги ҳалқасини минг урганим билан қимсан демади), деганларидек, Руҳ ҳеч жавоб бермади, балки, унинг арзасини ғараз тасаввур қилди. Ақл доно эди, билдики, Руҳ димоғини Нафс ўзгартирган, Хаёл ва Завқ муҳаббати уни ўзидан кетказган экан. Ақл сайёҳлик либосини кийиб, тоғу даштлар томон юзланди. Кўп вақт сафарда бўлиб, ногоҳ бир жойга етди.

Кўрсаки, пур салобат ва азамат Ҳиммат исмли бир йигит у ерда қарор топиб, ибодат билан машғул экан. Ақл фурсат топиб у билан танишиб, бир-бирларини сўрашиб хурсанд бўлдилар. Танишишдан фориғ бўлгандан сўнг.

Ҳиммат: сиз вазир эдингиз, салтанатнинг мадори тамом сизнинг уҳдангизда эди-ку, ахир сиз подшоҳга маъкул бўлолмадингизми?»

Ақл: «Ўзингиз яхши биласиз, ҳаммага аён нарсани баён қилишни ҳожати бўлмаса керак. Руҳ қайси аҳволга етди? Нафс унинг ишини охирига етказди».

Ҳиммат: «Унинг ҳақида нима қилиш лозим?»

Ақл: «Уни Нафс қўлидан халос қилиш лозим эди, бироқ тадбир риштаси мени қўлимдан чиққан. Ҳеч важҳ билан мен унинг иложини қилолмайман».

Ҳиммат: «Мен унинг чорасини топганман. Бу қуйи оламдан юқорида бир мақом бор, уни «Шариф» атайдилар. Мен у вилоятга бориб, Иноят номли бир шахсни кўриб, у билан мулозамат қилдим. Унинг сифатларини қандай ва қайси тил билан таърифини қилсам экан, унинг васфи тақрир ва баён тарозусидан ташқаридир. Мен унинг хизматида бўлганимда, у мендан ҳолаҳвол сўради. Мен можароларимни тамом сўзлаб бердим. Иноят сўзимни яхши тинглади. Мен Руҳни Нафс домига гирифтор бўлганини унга маълум қилдим. У менинг ҳақимда шафқат ва марҳаматлар қилиб, тамом тасалли бериб, деди: «Менинг номим Иноят. Тўрт вилоят ҳукуматининг уҳдаси менинг қўлимда. Биринчиси Қонун, иккинчиси Интизом, учинчиси Ҳақиқат ва тўртинчиси Маърифат вилоятларидир. Мен истаган кишимни ҳар нарсадан мумтоз қиламан ва юқори даражаларга кўтараман». Мен Иноят ҳазратларини тушундим, хушвақт бўлдим ва далирландим. Бирмунча вақт хизматларида бўлганимдан кейин қайтишга руҳсат сўрадим. Менга илтифотлар қилиб, «хотиржам бўл, ўйлайманки яна хизматимга келасан, нимаики матлаб ва муддаонг бўлса, истаганингча қиламан», дедилар. Мен: «мана ўшандан бери шу ерда қарор топиб турибман. Аммо сиз томонга мунтазир эдим», — дедим.

У: «яхши келдинг, агар истасанг, иттифоқлашиб, иккаламиз ўзимизни Иноят ҳузурига етказамиз. Ажаб эмас, матлабимиз у ерда ҳосил бўлиш анжомини топса?»

Ақл бу хабарлардан чексиз хурсанд бўлиб, тамом завқ билан Иноят томон юзландилар. Қонун вилоятига бориб, Иноят билан қўришдилар. Иноят Ақл ва Ҳиммат жавҳарларини кўриб, ўзини маълум қилиб ва улардан аҳвол сўраганда улар ўтган ҳамма воқеани бирма-бир баён қилдилар. Иноят аҳволни билгандан кейин, шафқат юзасидан дипломатик қилиб, кўнгилларини кўтариб, уларни Зуҳд қароргоҳига йўллади: «Сизлар бирмунча вақт Зуҳд мулозаматида бўлинглар. Мен тез вақт ичида сизларнинг ҳол-аҳволларингиз чорасини кўрсам керак». Улар Зуҳд қароргоҳига бордилар. Зуҳд уларни илтифот билан қарши олиб, суҳбатлашиб кетди.

Ақл ва Ҳиммат Зуҳддан: «Сиз бу вилоятда нима еб, нима ичасиз ва нима киясиз, деб сўрадилар.

Зуҳд: «бу вилоятда Муҳаббат деган ер бор ва унинг ҳосилоти дарду ғамдир. Шунини бу ерга экамиз ва шундан баҳра оламиз. Бизнинг еб-ичишимиз шундан иборат. Аммо кийинимиз ювиниш ва покликдир. Бу балки, бизнинг қўролимиз ҳамдир».

Ақл: «аслаҳа сизга нима учун керак бўлади?»

Зуҳд: «Шайтон номли лаънати вакил бўлиб, у ҳар вақт шу худудга келиб бизлар билан жанг қилади. Аслаҳани ана уша билан урушиш учун оламиз».

Ақл лаънатининг номини эшитиб, ҳайрон бўлиб қолди.

«Биз бу ерга бадбахтлардан қочиб, бу бузруклар қўлида уларнинг зулмидан халос топамизми?»,— деган умидда келган эдик. Бу ерга ҳам келиб, бу қадар бузрукларга ташвиш ва озор берар эканлар, бизларнинг ҳолимиз нима кечади?»

Зуҳд буни Ақлдан эшитиб, «Иноят ҳазратларининг этақларини ушлабсиз. Бундан ҳеч андиша қилманг. Иноят ҳазратлари сизни барча муддаоларингизга етказадилар».

Зуҳд уларнинг кўнгулларини кўтарарди. Аммо улар лаънати зарбаларини еганлари учун гоҳ хушҳол, гоҳо хафа бўлардилар. Зуҳд Иноятга бу аҳволни изҳор қилди. Иноят буларнинг кўп заҳмат тортганларини билиб, Шоҳид номли маъшуқи Ғамгин ва Шавқни олиб Қонун вилоятига келди. Ақл билан Ҳимматни чақириб, уларни бағоят хурсанд қилди.

Байт:

Аз дасти забонки барояд,
Газ уҳдаи шукраш ба дар ояд.

Мазмуни:

Тил қулидан нимаики чиқаркан,
Шукри уҳдасидан чиқиш ҳам бекор кетади.

Иноят Ақл билан Ҳимматга рухсат бериб, «Ўзларинг билан бирга Мушоҳада ва Шавқ суратини олиб бориб, Рухга кўрсатинглар. Мушоҳадага бир нигоҳдаёқ ўзини йўқотади. Шавқ уни тамом халос қилиб, бу ерга олиб келади», деди. Ақл ва Ҳиммат Мушоҳада ва Шавқни ўзлари билан ҳамроҳ қилиб Вужуд диёри томон юзланиб, Рух мулозаматига келдилар. Рух ҳали ҳам Хаёл ва Завқ томошаси билан машғул, Вужуднинг хароб аҳволдан хабарсиз эди. Ақл ва Ҳиммат Рух остонасига келдилар ва ўзларининг келганликларини билдирдилар. Рух Ақл билан Ҳимматнинг келганларидан завқланиб, киришларига рухсат берди. Улар кириб Рух билан кўришдилар. Рух Мушоҳадани бир нигоҳидан ўзидан кетди ва у ҳайрон бўлиб шу даражада маст бўлдики, хотирида мутлақо Хаёл билан Завқ қолмади. Шавқга келиши биланоқ Рухни олиб йўлга тушиши буйирилган эди. Шавқ сурат билан уни йўлга солди, нафс тилсими ҳам снди. Қафтида афсус нақдидан бошқа нарса қолмади. Ақл, Ҳиммат, Мушоҳада ва Шавқ Рухни олиб Иноят олдига келдилар. Рух ўзининг ҳамма нуқсонини ва хароблик ҳақиқатини ва Нафснинг маккорлигини воқеан тушуниб, ўзининг қилмишларига пушаймон бўлди ва тавба қилди. Кейин Иноят ҳазратларига мурожаат қилиб, ўзининг изму ихтиёрини Иноятга топширди. Иноят унга тамом тасалли бағишлаб, бир печа кун Қонун вилоятда сақлаб, Интизом вилоятга олиб борди ва Ихлос манзилига тушдилар. Бир кун Рух «Сиз бу вилоятда қайси хизматга турасиз? деб сўради. Ихлос: «меннинг номим Ихлос бўлиб, бу қишлоқ атрофларида Нафснинг айёрлари, дину диёнат матойи учун сайр қиладилар менинг хизматим, уларни асир қилиб қўлга олиб, улардан қишлоқ аҳлини халос қилишдир». — деди. Рух бу муқаддимани Ихлос тақриридан эшитиб, Ихлос мажлисидан рози ва маҳфуз бўлди. Иноят Рухни бу вилоятдан олиб, маърифатга олиб келиб Иноят ўзи

ака-ука тутинган Ишқ манзилига туширди. Руҳ Ишқнинг беҳишт оини мажлисидан баҳра олди ва нафланди. Руҳ Ишқ аҳволдан мулоҳаза юритиб, ҳаддан зиёд хурсандлик ва басорат ҳосил қилди. Қарасаки, Ишқ баҳайбат, азамат ва ҳашамат билан Арш боргоҳида ултириб муҳаббат майи соғарини пуш этмоқда. Фалак девони ва қуёш хазиначиси ва малонка сипоҳлари ҳаммалари унинг хизматида бандаликни ўрнига етказмоқдалар. Руҳ ундан маърифат ҳосил қилиб, назарида Вужуд вилояти, вилояти Қонун, вилояти Интизом ва вилояти Ҳақиқат бунинг олдида йўқ ҳукмида бўлиб, шундай мубтало бўлдики, доим Ишқ ҳузурда бўлишни ўзига муқаррар қилди.

Иноят Руҳни кўп меҳнат тортганини, бу қудуратни шаробдан бошқа бир нарса йўқота олмаслигини билиб, Ишқ шоҳига ишорат қилди. Шоҳнинг андак ишорати билан Руҳ қўлига пиёла тутқаздилар. Руҳ таъзим юзасидан пиёлани лашкари малоика, девони фалак ва қуёш хазиначилари томон тутди. Улар пиёлани узоқдан кўрибоқ ларзага тушдилар: «Бизларда бу соғарга назар солишга ҳам ҳеч қандай мажол йўқ. Сизга иноят бўлган экан, сизга тааллуқлидир»,— деди. Руҳ билдики, булар тобу тоқат келтиролмайдилар. Ишқ шоҳининг руҳсати билан пиёлани кўтариб юбориб, хушсизланиб, вилояти Вужуд аҳволи ва барча ҳақиқатни замир ойнасида муайян қилди.

Байт:

Ойнайи Скандар жом жам аст бингар!
То бар ту арса дорад аҳволи мулк Доро.

Мазмуни:

Қара Скандар ойинаси жому жамдир,
Доро мулкнинг аҳволи сенга майдон бўлгунча.

Табиатнинг кўрсатишича, Руҳ олами осмонга учиб кетиб, тан қолиби тупроқ оғушига кетди.

НОДИР САҲИФАЛАРНИ ВАРАҚЛАГАНДА

Қадимий ривоятларда нақл қилинишича, Сосонийлар сулоласидан бўлган Хусрав Ануширвон (вафоти 579) адолатли ҳукмдор сифатида ном қозонган экан. Ануширвонни Одилнинг вазири Бузуржмеҳр афсоналар-

га кўра донишмандликда бутун дунёга машҳур бўлган. У Хиндистондан энг ноёб, қимматбаҳо китоблар келтириб, паҳлавий тилига таржима қилдирган ва ўзи ҳам китоблар ёзган.

Бизнинг институтимизда 8293/IX рақами билан сақланаётган бир мажмуада Бузуржмеҳрнинг ўз устозига берган саволлари ва устозининг жавоблари урин олган.

Биз китобхонларимизга «Насиҳатнома» деб аталган ана шу савол-жавобларни баъзи қисқарттишлар билан таржимасини тавсия этамиз.

НАСИҲАТНОМА

(Бузуржмеҳрнинг саволлари ва устозининг жавоблари)

- Дунёда энг қимматли нарсалар нима?
- Тан сиҳатлик, бойлик ва хотиржамлик.
- Ишларимни кимга топширсам хотиржам бўламан?
- Ҳасадсиз дўстингга топширсанг хотиржам бўласан.
- Қайси вақтда қандай ишлар қилишим керак?
- Ёшлигингда илм ўрган, кексаликда яхши ишлар билан шуғуллан, бошқа вақтларда эса ўз ишинг билан бўл.
- Кишилар олдида нимани сўзламаслик лозим?
- Кишилар олдида ўз ҳунаридан сўзлайвериш ва ўзини мақташ номақбул одатдир.
- Ёшларга ва кексаларга қайси фазилатлар лозимдир?
- Ёшларга шарм-ҳаё, ишда жасорат, кексаларга мулоимлик.
- Буюк кишилар нима қилишлари керак?
- Яхши билан ёмонни фарқ қилишлари ва ишни ишбилармонларга топширишлари керак?
- Қимдан ҳазар қилиш лозим?
- Мақтанчоқдан, чақимчидан ҳамда бойиб олган хасисдан.
- Қимни саҳий деса бўлади?
- Бировга бир нима бергани учун қувонадиган кишини.
- Кишини нималар обрўсизлантиради?

- Бахиллик, мағрурлик, манманлик, хотин-қизлар учун эса шармсизлик ва эрларига ёлғон сўзлаш.
- Қимни бадбахт дейиш керак?
- Такаббур одамни.
- Дунё неъматлари нима билан топилади?
- Илм-ҳунар, меҳнат, қаноат ва шукроналик билан.
- Нима қилсам табибга муҳтож бўлмайман?
- Оз есанг, оз гапирсанг, оз ухласанг ва бўлмағур ишларга қўл урмасанг.
- Энг оқил киши ким?
- Кўп билиб оз сўзлайдиган киши.
- Хорлик нимадан пайдо бўлади?
- Дангасалик ва бузуқчиликдан.
- Хафагарчиликка сабаб нима?
- Ёлғизлик.
- Ном чиқариш нимадан бўлади?
- Ўз ишида ҳушёрликдан.
- Ақлли кишилар нимадан пушаймон бўладилар?
- Ўз ишларидаги шошқалоқликдан.
- Ҳамиятни нима йўқотади?
- Таъмагарлик.
- Одобнинг энг яхши амали нима?
- Тавозе.
- Асли тавозенинг ўзи нима?
- Кишилар билан хушмуомалада бўлиш, ўз мартабасида камтар бўлиш, ғурур ва худбинликдан қўл тортиш.
- Дунёда ҳаммадан бахтли киши ким?
- Ўзини саховат билан безаган, ростдан бошқани сўзламайдиган ва дунёга ҳирс қўймаган одам.
- Ёмон дўстнинг белгиси нима?
- Ёмонликка судраш, сирни ошкор этиш ва иш ўтгандан кейин «бундай қилиш керак эди», дейиш.
- Нолойиқ иш қилган дўстдан қандай қилиб қутилса бўлади?
- Зиёратига кам борсанг, ҳол-аҳволидан хабар олмасанг ва учраб қолганда бирор ҳожат сурасанг нокас дўстингдан осонгина қутиласан.
- Қимларга яхшилик қилиш керак?
- Биринчи галда ақл эгаларига ва фозил кишиларга.
- Қимларга яхшилик қилишнинг ҳожати йўқ?
- Аблах, нодон, бадфеъл ва сассиқ сўз кишиларга.
- Ҳаётда нима ишларга қўл уриш керак?

— Ақл ва зукколикни эгаллаш, поклик ва парҳез-корликка юз туттиш ҳамда дардмандларга ёрдам бериш зарур.

— Қандай кишилар бахтиёр ҳисобланадилар?

— Шогирдлар устозларига, фарзандлар ота-оналарига. эр хотинга, хотин эса эрга иззат-ҳурмат, меҳру муҳаббат ва садоқатда бўлсалар ундай кишилар бахтиёрдирлар.

— Фосиқнинг қандай белгилари бор?

— Фосиқлар кўришганда лаганбардорлик, орқаворатдан эса ғийбат қиладилар; бошга мусибат тушганда [эса] хурсанд бўладилар.

— Нималар ғам ва койишни йўқотади.

— Дўстлар билан кўришиш ва замон фозиллари, оқилларни билан суҳбат қилиш.

— Қандай фазилатлар кишининг мартабасини оширади?

— Қўл остидагиларни ҳурмат қилиш ва ақлсизлардан узоқ бўлиш ҳамда ўтганга пушаймон қиладиганларнинг суҳбатидан қочиш донолар фазилатидир.

— Нима қилсам кишилар мени ўзларига дўст тутадилар?

— Муомалада ситамкор бўлмасанг, ёлғон сўзламасанг, ваъдага хилоф қилмасанг ва тилинг билан кишиларга озор бермасанг.

— Илм билан нимага эришаман?

— Илм билан дунё танийсан ва ўзинг ҳам одамларга таниласан.

— Илмнинг офати нимада?

— Истамаган кишига илмдан гапириш, сўзга тушунмайдиган кишиларга ўринсиз илм ўргатиш илмнинг офатидир.

МУНДАРИЖА

Муҳаррирдан	3
Шаҳарларнинг номларидан баҳс	6
Ибн Синонинг устоди	10
Ақл «каъба»си	13
Ҳарф рақамга айланганда	20
Таърих (хронограмма) усуллари	22
Антиқа муҳрлар	32
Ғазали баҳория	36
Бемор ва табиб	43
Тутал достони муаммоси	49
Мажруҳ ва Салоҳий ҳажви	51
Ишқ ва Ҳусн	56
Дил ва Ҳусн ишқи	59
Нодир саҳифаларини варақлаганда	75
Насихатнома	76

На узбекском языке

Абдулла Джуванмардиев

УДИВИТЕЛЬНЫЕ СТРАНИЦЫ

*Ўзбекистон ССР ФА
илмий-оммабоп китоблар таҳрир ҳайъати томонидан
нашрга тасдиқланган*

*Муҳаррир А. Комилова
Техмуҳаррир Ҳ. Қорабоеви
Корректор Ф. Умарова*

ИБ № 614

Р2С445. Теринга берилди 22/IX-77 й. Босишга руҳсат этилди 20/Х-77 й. Формат 84×108^{1/2}. Босмахона қоголи №1. Қогоз л. 1,25. Босма л. 4,2. Ҳисоб-нашриёт л. 3,9. Нашриёт № 422. Тиражи 1000. Баҳоси 15 т. Заказ 231.

УзССР „Фан“ нашриётининг босмаханаси. Тошкент, М. Горький проспекти, 79.

Нашриёт адреси: Тошкент, Гоголь кучаси. 70.

Жувонмардиев А.
Нодир саҳифалар (Масъул
муҳаррир Б. А. Аҳмедов), Т.,
«Фан», 1977, 80 б.

Джуванмардиев Абдулла.
Удивительные страницы.

